



# **Assessing the impact of agricultural crop diversification on farm economic efficiency**

Primov, Abdulla

Tashkent State Agrarian University, International Agriculture University

15 August 2022

# **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УЎТ:332.63+338.314+631.165

**ПРИМОВ АБДУЛЛА ЭГАМКУЛОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ  
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ  
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
**Д И С С Е Р Т А Ц И Я**

**Илмий раҳбар:** Рустамова Ирода  
Бахрамжановна, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор  
Лена Кухн, иқтисодиёт фанлари доктори, PhD

**Тошкент – 2022**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I-БОБ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ЭКИНЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
1.1-§ Қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялашнинг илмий-назарий асослари .....	13
1.2-§ Экинлар диверсификацияси даражасини ҳисоблашнинг услугбий асослари .....	24
1.3-§ Қишлоқ хўжалигига экинлар диверсификацияси билан боғлиқ омиллар таъсирини баҳолаш услублари .....	32
<b>I-боб бўйича хуносалар .....</b>	<b>43</b>
<b>II-БОБ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ЭКИНЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА МЕЗОНЛАРИ .....</b>	<b>45</b>
2.1-§ Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳозирги ҳолати .....	45
2.2-§ Қишлоқ хўжалигига экинлар диверсификацияси даражасининг ҳозирги ҳолати ва мезонлари .....	55
2.3-§ Самарқанд вилоятида экинлар диверсификацияси иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг ҳозирги даражаси таҳлили ..	68
<b>II-боб бўйича хуносалар .....</b>	<b>78</b>
<b>III-БОБ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ АСОСИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ .....</b>	<b>81</b>
3.1-§ Қишлоқ хўжалигига экинлар диверсификацияси даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили натижалари ва уларнинг ўзгариш тенденцияси .....	81
3.2-§ Экинлар диверсификацияси даражасининг фермер хўжаликлари самарадорлигига таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари ва улардан фойдаланишнинг асосий йўллари .....	92
<b>III-боб бўйича хуносалар .....</b>	<b>105</b>
<b>ХУНОСАЛАР .....</b>	<b>107</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>111</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b>	

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ва истеъмол бозорида хилма-хилликни оширишга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан саналади. Зеро, “... ҳозирги вақтда дунёда глобал иқлим ўзгариши ва аҳолининг тез суръатлар билан ўсиб бориши кўпчилик мамлакатларда озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига ва шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни 70 фоизга оширишни тақозо этмоқда”<sup>1</sup>. Шу боис, мамлакатларнинг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалигида экинлар диверсификациясини ошириш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши қишлоқ хўжалигида ўта сезувчан хусусиятга эгалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши, ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг ўсиши ва уларнинг истеъмолини камайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда дунё бўйича 840 миллионга яқин киши ёки ҳар саккиз кишидан биттаси тўйиб овқатланмаслик муаммосидан азият чекмоқда<sup>2</sup>. Шунингдек, ерларнинг эрозияси, чўлланишнинг кучайиб бориши қишлоқ хўжалиги учун глобал таҳдид сифатида баҳоланиб келинмоқда. Хусусан, “... ҳозирда кечётган глобал коронавирус (COVID-19) пандемияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг кучайишига ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда”<sup>3</sup>. Шу боис, дунё олимлари томонидан экинлар диверсификациясини оширишга ва иқлим

---

<sup>1</sup> FAO (2017). “Country programming framework for the Republic of Uzbekistan 2014-2017.

<sup>2</sup> FAO 2021. Climate change and food systems: global assessments and implications for food security and trade. Food Agriculture Organization of the United Nations (FAO). Rome.

<sup>3</sup> Siche, R. (2020). What is the impact of COVID-19 disease on agriculture?. Scientia Agropecuaria, 11(1), 3-6.

ўзгаришига мослашувчан қишлоқ хўжалиги экинларини қўпайтиришга доир илмий тадқиқотларга кенг ургу берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “... ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртacha 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказишни муҳим устувор вазифа”<sup>4</sup> сифатида қўйди. Шу боис, қишлоқ хўжалигидаги экинлар диверсификацияси фермер хўжаликлар даромадини янада оширишга, белгиланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда юқори фойда олишга ва барқарор қишлоқ хўжалигини яратишда муҳим ўрин тутади. Фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш ҳисобига уларнинг даромадини ошириш, мавжуд ер майдонлари, сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли Фармони, 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли, 2020 йил 1-майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4700-сонли Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.

қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг илмий-назарий жиҳатлари, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда турли қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда кузатиладиган хавфларни юмшатиш таъсирларини юзма-юз сўровнома, даврий ва панел маълумотлар асосида Г.Немченко, H.Ahmadzai, G.Adjimoti, S.Benin, B.Dembele, A.Dessie, L.Dube ва N.Mango, С.Фисак<sup>5</sup> сингари хориж олимлари томонидан тадқиқ этилган.

---

<sup>5</sup> Немченко Г.И. Диверсификация производства – Благовещенск: Изд-во Дальневост. отделения РАН, 1994. – 224 с.; Ahmadzai, H. (2017). “Status, Patterns, and Microeconomic Drivers of the Extent of Diversity in Crop Production: Evidence from Afghanistan”. CREDIT Research Paper 17/07, The University of Nottingham, Centre for Research in Economics Development and International Trade, Nottingham; Adjimoti, G. O., & Kwadzo, G. T. M. (2018). Crop diversification and household food security status: Evidence from rural Benin. Agriculture and Food Security, 7(1), 1–12. <https://doi.org/10.1186/s40066-018-0233-x>; Benin, S., Smale, M., Pender, J., Gebremedhin, B., & Ehui, S. (2004). The economic determinants of cereal crop diversity on farms in the Ethiopian highlands. Agricultural Economics, 31(2-3), 197–208; Dembele, B., Bett, H.K., Kariuki, I.M., Bars, M.L., & Ouko, K.O. (2018). Factors influencing crop diversification strategies among smallholder farmers in cotton production zone in Mali. Advances in Agricultural Science 6(3): 1-16; Dessie, A.B., Abate, T.M., Mekie, T.M. et al. (2019). Crop diversification analysis on red pepper dominated smallholder farming system: evidence from northwest Ethiopia. Ecol Process 8, 50 <https://doi.org/10.1186/s13717-019-0203-7>; Dube L, Numbwa R, Guveya E (2016). Determinants of crop diversification amongst agricultural cooperators in Dundwa agricultural camp, Choma district, Zambia. Asian Journal of Agriculture and Rural Development, 6(1):1; Mango, N., Makate, C., Mapemba, L., Sopo, M. (2018). The role of crop diversification in improving household food security in central Malawi. Agriculture & Food Security, 21 March 2018, 7:7. [https://doi.org/10.1186/s40066-018-0160-x.](https://doi.org/10.1186/s40066-018-0160-x;); Фисак С.А. Развитие стратегий диверсификации деятельности сельскохозяйственных предприятий: Авт. дисс. к.э.н. – Новосибирск, – 2007. 21 с.

Ўзбекистон мисолида қишлоқ хўжалигида ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлили Р.Хусанов, Ў.Умурзаков ва Қ.Чориев, Н.Хушматов, Т.Фармонов, Ф.Саматов ва И.Рустамова, О.Муртазаев ва Ф.Ахроров, Д.Сайдова, У.Нигмаджанов<sup>6</sup> каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Мустақиллик йилларида олиб борилган аграр ислоҳотлар, жумладан қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ер ислоҳотлари, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва экинларни диверсификациялашнинг барқарор қишлоқ хўжалигидаги ўрни I.Bobojonov, N.Djanibekov, I.Amirova, A.Hamidov, A.Karimov, Sh.Hasanov, Г.Самиева ва Т.Нурымбетов<sup>7</sup>ларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

---

<sup>6</sup> Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: тенденция, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. –74 с.; Умурзаков У.П., Чориев К.А. Организационно-экономических и правовых основы реструктуризации сельскохозяйственных предприятий на переходном этапе. – Т., Мехнат, 1997. – с 79.; Хушматов Н.С. Дехқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш: Автореф. дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 1994.; Фармонов Т. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Янги аср авлоди, – 2004. – 30 б.; Саматов Ф.А., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 508 б.; Муртазаев О., Ф.Б.Ахроров. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Т., Илм-Зиё, 2017 й.; Сайдова Д.Н. Фермер хўжаликларида даромадларнинг шаклланиши ва тақсимланиши. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 160 бет; Нигмаджанов У.Х. Агропромышленный комплекс Республики Узбекистан на пути к рыночной экономике. – Т.: Мехнат, 1994. – 153 с.

<sup>7</sup> Bobojonov, I., Lamers, J. P. A., Bekchanov, M., Djanibekov, N., Franz-Vasdeki, J., Ruzimov, J., & Martius, C. (2013). Options and constraints for crop diversification: A case study in sustainable agriculture in Uzbekistan. *Agroecology and Sustainable Food Systems*, 37(7), 788-811. <http://doi.org/10.1080/21683565.2013.775539>; Djanibekov, N.; Van Assche, K.; Bobojonov, I.; Lamers, J.P. Farm restructuring and land consolidation in Uzbekistan: New farms with old barriers. *Eur.-Asia Stud.* 2012, 64, 1101–1126. <https://doi.org/10.1080/09668136.2012.691720>; Djanibekov, N., Sommer, R., & Djanibekov, U. (2013). Evaluation of effects of cotton policy changes on land and water use in Uzbekistan: Application of a bio-economic farm model at the level of a water users association. *Agricultural Systems*, 118, 1–13; Amirova, I., Petrick, M., & Djanibekov, N. (2019). Long- and short-term determinants of water user cooperation: Experimental evidence from Central Asia. *World Development*, 113, 10–25. <https://doi:10.1016/j.worlddev.2018.08.01>; Hamidov, A., Thiel, A., & Zikos, D. (2015). Institutional design in transformation: A comparative study of local irrigation governance in Uzbekistan. *Environmental Science & Policy*, 53, 175–191. <https://doi:10.1016/j.envsci.2015.06.012>; Karimov, A. (2013): Productive Efficiency of Potato and Melon Growing Farms in Uzbekistan: A Two Stage Double Bootstrap Data Envelopment Analysis. *Agriculture* 2013, 3, 503-515; <https://doi:10.3390/agriculture3030503>; Hasanov, Sh. (2016): Agricultural policies to enhance the

Шунингдек, хорижий олим I.Conrad<sup>8</sup> Ўзбекистонда экинлар диверсификациясининг ҳолати ва экин турлари бўйича таснифини Фарғона водийси мисолида масофадан зондлаш (Remote Sensing) бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Дунё миқёсида олиб қаралганда кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан экинлар диверсификациясининг барқарор қишлоқ хўжалигидаги ўрни, унинг аҳамияти ва самарадорлиги тўғрисида қатор илмий изланишлар олиб борилган. Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу тизим фермерлар даромадини қанчалик даражада ошириши, иқлим ўзгариши жараёнларида турили рискларни юмшатиш стратегия сифатида диверсификациянинг ўрнини ва бошқа муҳим ижтимоий омиллар таъсирини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш объектив заруратга айланмоқда. Юқорида қайд этилган ҳолатлар илмий томондан адабиётларда етарлича тадқиқ этилмаганлиги, илмий ва амалий жиҳаттан муҳим аҳамиятга эга эканлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигига асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тақиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат аграр университетининг илмий тадқиқот ишлари режалари ҳамда Германиянинг “Иқлим ўзгариши жараённида озиқ-овқат занжиридаги илмий тадқиқотлар ва унинг салоҳияти (IPReS)” илмий лойихаси доирасида бажарилган (2019–2022 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациациялашнинг фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигига таъсирини иқтисодий баҳолаш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

development of fruit and vegetable subsectors in Uzbekistan. European Scientific Journal, vol. 12 (13), May 2016. <http://dx.doi.org/10.19044/esj.2016.v12n13p479>; Самиева Г.Т. Дехқон хўжаликларида ишлаб чиқариши диверсификациациялаш йўналишлари: дисс...авт. и.ф.н – Тошкент, 2019. Нуримбетов Т.З. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациациялаш йўналишлари (Коракалпоғистон Республикаси мисолида): дисс...авт. и.ф.н – Тошкент, 2020.

<sup>8</sup> Conrad, C.; Löw, F.; Lamers, J.P.A. (2017): Mapping and assessing crop diversity in the irrigated Fergana Valley, Uzbekistan. Appl. Geogr. 2017, 86, 102–117.

## **Тадқиқот вазифалари:**

қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг назарий асосларини ёритиш;

қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялаш даражасини баҳолашда услубий ёндашув ва худудлар хусусиятларини ўрганиш;

республикамиз қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари бўйича кўп йиллик (2010–2020 йй.) маълумотлар асосида вилоятлар кесимида диверсификация даражаси кўрсаткичларини аниqlаш;

Самарқанд вилоятида фермер хўжаликлари экинлар диверсификацияси даражасига таъсир этувчи ижтимоий-иктисодий омиллар ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолашда эконометрик таҳлилларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигида экинлар диверсификациясининг фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигига таъсирини баҳоловчи эконометрик моделни такомиллаштириш.

**Тадқиқот обьекти** сифатида республикамиздаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчи фермер хўжаликлари, шунингдек, Самарқанд вилояти танлаб олинган.

**Тадқиқот предметини** қишлоқ хўжалиги соҳасида экинларни диверсификациялашнинг фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигига таъсирини иқтисодий баҳолаш билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида таққослама таҳлил, статистик ва эконометрик моделлаштириш, “Тренд” модели, “Симпсон диверсификация индекси” (Simpson Diversification Index) усули, “Чекланган эрксиз ўзгарувчи” (Tobit) модели, “Икки босқичли энг кичик квадратик регрессия” (Two-stage least square) модели ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

## **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида экинлар диверсификацияси даражасини баҳолашда “Диверсификация индекси” (Diversity Index) усули таклиф этилган, унинг энг паст, паст, ўрта, юқори ва энг юқори мезонлари ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликлари даромадига диверсификация таъсирини баҳолаш бўйича услубий ёндашув “инструмент ўзгарувчи” (instrumental variables) омилларни қўллаш асосида такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашни амалга оширишда энг асосий таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда даромадни ошириш, гендер тенглигини мустаҳкамлаш, иқлим ўзгариши хатарларини юмшатиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича истиқболли амалий харитаси ишлаб чиқилган;

республикада экинлар диверсификациясини самарали ташкил этиш ҳисобига деҳқончилик маҳсулотлари қиймати ўсишининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

фермер хўжаликлари кесимидағи панел маълумотлари ва Симпсон диверсификация индекси (Simpson Diversity Index) усули ёрдамида диверсификация даражаси кўрсаткичлари аниқланган ва республика бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида (мос равищда 0,76, 0,74 ва 0,73)га ва ўртacha кўрсаткич эса 0,67 га тенг эканлиги аниқланган;

Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Пайариқ, Оқдарё ва Тойлоқ туманларида олиб борилган “юзма-юз сўровнома” таҳлилларига асосланиб, қишлоқ хўжалиги экинлари диверсификация даражасининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари даромадини 10,7 фоизга ошириши илмий асосланган;

Самарқанд вилоятида қайта ишлаш корхоналари барқарорлигининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари диверсификация даражасини 12,7 фоизга, фермер хўжаликларида мавжуд активларнинг 1 фоизга ошиши эса 4 фоизга ошириши мумкинлиги илмий асосланган. Шунингдек, фермер хўжаликларида қўшимча суғориш тизимининг ҳамда тармоқда экстеншн хизматининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари диверсификация

даражасини мос равища 5,2 ва 7 фоизга ошириши таҳдиллар асосида исботланган;

фермер хўжаликларини ихтисослашувига қараб диверсификациялаш амалиётини қўллаш ҳисобига Жомбой туманидаги ғалла-сабзавотчиликка ихтисослашган “Маъмуржон Исоков” фермер хўжалигида 160 500 минг сўм ва Оқдарё туманидаги пахта-ғаллачиликга ихтисослашган “Иқбол” фермер хўжалигида 358 400 минг сўм фойда олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** мавзуга оид хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий-услубий тадқиқот ишларига асосланганлиги, маълумотларнинг узоқ муддатлилиги ва расмий манбалардан олинганлиги, Самарқанд вилояти фермер хўжаликларидан тўпланган сўровнома маълумотларига асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг назарий асосларини ёритиш ва диверсификация даражасини баҳолашда услубий ёндашув асосларини такомиллаштириш, шунингдек, диверсификация даражасининг фермер хўжаликлари даромади ва бошқа омилларга таъсир даражасини замонавий эконометрик моделлар ёрдамида аниқлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялаш бўйича тизимли дастурларни амалга оширувчи мутасадди ташкилотларнинг фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш сифатида берилган таклиф ҳамда тавсияларни фермер хўжаликлари фаолиятида экинлар диверсификацияси тизимини ривожлантириш ва уларнинг даромадини янада оширишга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқишида, шунингдек, олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти” ва “Агробизнесни ташкил

етиш” фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалигига экинлар диверсификациясининг фермер хўжаликлари даромадига таъсирини иқтисодий баҳолаш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

вилоятлар кесимида диверсификация даражасини ҳисоблаган ҳолда ҳудудларни тоифаларга ажратиш бўйича ишлаб чиқилган услубий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 22 декабрь №05/032-5095-сонли маълумотномаси ҳамда Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгashi томонидан 2022 йил 28 майда тасдиқланган услубий қўлланма). Натижада, диверсификация даражасининг республика бўйича юқори кўрсаткичлари Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида (мос равища 0,76, 0,74 ва 0,73), паст кўрсаткич Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида (мос равища 0,64, 0,62 ва 0,59) ҳамда ўртача кўрсаткич 0,67 ни ташкил этган;

Самарқанд вилояти ҳудудларида фермер хўжаликларининг диверсификация даражасига таъсир этувчи омиллар ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 22 декабрь №05/032-5095-сонли маълумотномаси ҳамда Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгashi томонидан 2022 йил 28 майда тасдиқланган услубий қўлланма). Натижада, ҳудудда қайта ишлаш корхоналари барқарорлигининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари диверсификация даражасини 12,7 фоизга, фермер хўжаликларида мавжуд активларнинг 1 фоизга ошиши эса диверсификация даражасини 4 фоизга ошиши, қўшимча суғориш тизимининг ҳамда тармоқда экстеншн хизматининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари

диверсификация даражасини мос равиша 5,2 ва 7 фоизга ошириш имконини бериши асосланган;

Самарқанд вилояти ҳудудларидағи фермер хўжаликларида диверсификациялаш амалиётини жорий этиш ҳисобига фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг истиқболли амалий харитасини қўллаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 22 декабрь №05/032-5095-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф билан вилоятнинг Жомбой туманидаги ғалла-сабзавотчиликга ихтисослашган “Маъмуржон Исоков” фермер хўжалигининг фойдасини 160 500 минг сўмга ва Оқдарё туманидаги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган “Иқбол” фермер хўжалигининг фойдасини 358 400 минг сўмга оширишга эришилган;

республикада экинларни диверсификациациялашни самарали ташкил этиш ҳисобига деҳқончилик маҳсулотлари қиймати ўсишининг 2030 йилгача бўлган прогнози бўйича тақдим этилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 22 декабрь №05/032-5095-сонли маълумотномаси). Натижада, республика қишлоқ хўжалигига 2030 йилга бориб деҳқончилик маҳсулотларининг қиймати 229164,8 млрд.сўмга ёки 2030 йилда 2021 йилга нисбатан 1,8 мартаға ошиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда жами 6 та илмий мақола, шундан 4 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертация ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловаларни ўз ичига олган ҳолда 137 саҳифадан иборат.

## **І-БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ЭКИНЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1-§ Қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялашнинг илмий- назарий асослари**

Ўзбекистон Республикаси аграр соҳасининг устувор йўналиши ҳамда етакчи хўжалик юритувчи субъекти бўлиб фермер хўжаликлари ҳисобланади. Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий фаровонлигини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш муҳим ўрин касб этмоқда ва мазкур йўналишларда илмий-амалий муаммоларга бағишлиган тадқиқот ишлари олиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда. Ушбу ўринда фермер хўжаликлари фаолиятида экинларни диверсификациялаш орқали ахоли бандлигини таъминлаш ҳамда фермер хўжаликлари даромадини янада ошириш мумкинлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда фермер хўжаликларининг ўрни жуда муҳим саналади. Мустақилликдан сўнг республикамизнинг барча соҳалари қатори аграр соҳа ривожи учун ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Шу боис, мамлакатимиз иқтисодиётида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган фермер хўжалиги фаолиятида экинларни диверсификациялашнинг моҳияти, уни ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш зарурати вужудга келмоқда.

Дунё миқёсида олиб қаралганда, “... сўнгги йилларда кўплаб фермер хўжаликлари учун асосий тармоқ йўналиши сифатида кам сонли экинлар ва чорвачиликка ихтисослашиш кўпроқ кузатилди, чунки бундай ихтисослашув иқтисодий жиҳатдан аниқ харажат афзалликлари ва фойдани максимал даражага ошириш имконини беради”<sup>9</sup>. Европа мамлакатлари орасида 2019

---

<sup>9</sup> Barnes, A. P., Hansson, H., Manevska-Tasevska, G., Shrestha, S. S., & Thomson, S. G. (2015). The influence of diversification on long-term viability of the agricultural sector. *Land Use Policy*, 49, 404–412. <https://doi.org/10.1016/j.landusepol.2015.08.023>.

йилга келиб мавжуд қишлоқ хўжалиги тизимида атиги 16 фоиз кўп тармоқли дехқончилик тизими мавжудлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ривожланган мамлакатларда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг улуши жуда кам, масалан, Германияда бу кўрсаткич 17 фоизни ташкил этади. Шунингдек, “... дунё миқёсида дон етиштиришнинг салмоқли қисми ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади”<sup>10</sup>.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юкори даражадаги ихтисослашув нарх ва хатарларнинг ошиши билан ўзининг заиф жиҳатлари намоён бўлиб қолади. Глобал иқлим ўзгариши, Covid-19 пандемияси ҳамда дунё мамлакатлари ўртасидаги турли сиёсий тўқнашувлар каби муаммолар даврида жаҳон миқёсидаги бозор муносабатларининг тез-тез бузилишига ва мавжуд хавфларни камайтиришни кун тартибига қўймоқда. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда дунё мамлакатлари миқёсида мавжуд қишлоқ хўжалиги тармоғида бир нечта навларни етиштириш сифатида тавсифланадиган экинларни диверсификация қилишга кўпроқ эътибор қаратилаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликларининг истиқболда барқарор ривожланиши борасида бир қанча муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Шунинг учун ҳам “... экинларни диверсификациялашнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамияти жуда муҳим бўлиб, барқарор қишлоқ хўжалигидаги ривожи учун муҳим бир стратегия ҳисобланади ва бу фермерларга мавжуд хавфларни бартараф этишда ёрдам берадиган самарали усуллардан бири бўлиб ҳисобланади”<sup>11</sup>.

Умуман олганда, диверсификация тушунчаси лотинча *diversus* – турли, хилма-хиллик ва *fasere* – қилмоқ, бажармоқ, шунингдек, инглизча *diversification* сўзларидан келиб чиққан бўлиб, иқтисодий жиҳатдан бу –

---

<sup>10</sup> Bradshaw, B., Dolan, H., & Smit, B. (2004). Farm-level adaptation to climatic variability and change: Crop diversification in the Canadian prairies. *Climatic Change*, 67(1), 119–141. <https://doi.org/10.1007/s10584-004-0710-z>

<sup>11</sup> Lazíkova, J., Bandlerová, A., Rumanovská, L., Takáč, I., Lazíkova, Z. (2019): Crop Diversity and Common Agricultural Policy - The Case of Slovakia. *Sustainability*, March 2019, 11(5):1416. doi.org/10.3390/su11051416

корхонанинг иқтисодий ресурсларини қайта тақсимлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турларини қўпайтириш ва ишлаб чиқариш, корхона ёки хўжаликнинг асосий фаолият билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўймаган янги соҳада иш олиб боришни англатади.

Иқтисодиётда “диверсификация” (лот. “*diversificatio*” – ўзгариш, турланиш) - иқтисодий самарага эришиш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кенгайтириш ва бозор талабига мослашган ҳолда банкротликнинг олдини олиш демакдир<sup>12</sup>.

Диверсификация сўзи дастлаб хорижий адабиётларда XX асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлган. Ушбу ибора илк бор Принстон университети профессори М.Горт<sup>13</sup> томонидан Америка Қўшма Штатлари саноат тармоғини ривожлантиришда диверсификация ва унда учрайдиган муаммолар илмий жиҳатдан ўрганилган.

Шунингдек, дунё мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, диверсификация жараёнлари XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб кенг суръатларда ривожлана бошлаган. Хусусан, ғарб мамлакатлари мисолида олиб қаралганда, диверсификация дастлаб ишлаб чиқариш фаолиятининг ва стратегик бошқаришнинг муҳим бир элементи сифатида истеъмол талаби ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларда қўшимча устунликларга эришиш учун фойдаланилган.

“Диверсификация” атамасига дунё иқтисодчи олимлари томонидан турлича таърифлар берилган. Жумладан, Америкалик иқтисодчи олимлар С.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензилар диверсификацияни “... таваккалчиликни бир нечта активларга тақсимлаш орқали унинг даражасини пасайтиришга йўналтирилган стратегия”<sup>14</sup> сифатида таърифлайдилар. Уларнинг қарашларида диверсификациянинг олтин қоидаси сифатида “*don't put all your eggs in one basket*”, яъни “барча куч ва

---

<sup>12</sup> <http://ru.m.wikipedia.org>.

<sup>13</sup> Gort M. Diversification and integration in American industry. Princeton, Princeton University Press, 1962.

<sup>14</sup> Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика.- М.: Дело, 1997. - 351 стр.

ресурсларни бир соҳага сарфламаслик керак, чунки ҳамма нарсани йўқотиш мумкин” – дея ўз қарашларини таъкидлаб ўтишган.

Ўзбек иқтисодчи олимларидан бири Ж. Жалолов диверсификацияга куйидагича таъриф беради: “Диверсификация – бевосита бир-бири билан боғланмаган кўплаб ишлаб чиқаришларнинг бир вақтдаги ривожланиши ҳамда корхона фаолиятининг диверсификацияси эса, иш фаолиятида бир-бири билан бевосита боғланмаган бир нечта ишлаб чиқариш турларининг ривожланиши ёки корхона таркибига янги тармоқнинг киритилиши”<sup>15</sup> деб таърифлаган.

Ушбу ўринда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида “диверсификация” атамаси эса Хиди (Heady, 1952)<sup>16</sup> томонидан киритилган. Хиди икки хил диверсификациянинг даромадлар ўзгарувчанлигига таъсирини ўрганиб чиқкан, яъни (I) ер майдонини кўпроқ экинларга кўпайтириш орқали диверсификация қилиш; ва (II) мавжуд ер майдонини кўпроқ экинларга тақсимлаш орқали диверсификация қилиш. У ўзининг илмий тадқиқотида 1910-1950 йиллар кесимида йиғилган қуйидаги экинлар танлови орқали амалга оширган:

- I. Фақат 100 гектар буғдой
- II. Фақат 100 гектар маккажўхори
- III. Фақат 100 гектар арпа
- IV. 200 гектар: 100 гектар буғдой ва 100 гектар маккажўхори
- V. 200 гектар: 100 гектар буғдой ва 100 гектар арпа
- VI. 200 гектар: 100 гектар арпа ва 100 гектар маккажўхори
- VII. 100 гектар: 50 гектар буғдой ва 50 гектар маккажўхори
- VIII. 100 гектар: 50 гектар буғдой ва 50 гектар арпа
- IX. 100 гектар: 50 гектар арпа ва 50 гектар маккажўхори

---

<sup>15</sup>Жалолов Ж.Ж., Аҳмедов И.А., Акрамов Т.А., Нематов И.У. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 176 б.

<sup>16</sup> Earl O. Heady, (1952), Diversification in Resource Allocation and Minimization of Income Variability, American Journal of Agricultural Economics, 34, (4), 482-496.

Тажрибадан күриниб турибдики, (I) дан (III) гача фақат битта экин турига ихтисослашув ифодаланган, (IV) дан (VI) гача экинлар танлови ер ресурсларини қүшиш орқали диверсификацияни ифодалайди, (VII) дан (IX) гача бўлган экинлар танлови эса, ер ресурсларини қайта тақсимлаш орқали диверсификацияни ифодалайди.

Ушбу тадқиқот ишимизнинг мақсадидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида “диверсификация” ва “екинлар диверсификацияси” каби тушунчаларнинг назарий асослари тадқиқ этилади.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш - бу худуд қишлоқ хўжалигининг турли вақт оралиқларида ривожланиш содир бўлганми ёки йўқлигини текшириш учун кўлланиладиган ўлчовлардан биридир<sup>17</sup>. Диверсификация бошқа экинлар ёки фаолиятнинг улушкини кўпайтириш асосида якка экин ёки фаолиятнинг устунлигини пасайтиради. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш интенсивликнинг пасайиши сифатида белгиланади ва қишлоқ хўжалиги тизимидағи бошқа йўналишларга ўтишга имкон беради. *Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиши – бу қишлоқ хўжалиги тизимида экинларни етишириши, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқаларни англатади.* Шубҳасиз, “қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш интенсив ихтисослашган деҳқончиликка қараганда кўп маҳсулотларга эга бўлиши билан фарқ қиласи”<sup>18</sup>.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг асосий мақсади “... хўжаликнинг мавжуд ер майдонида энг мақбул экин турларини кўпайтириш ҳисобига хатарларни камайтирган ҳолда хўжаликнинг тушум ва фойдасини оширишдан иборат”<sup>19</sup>. Экинлар

---

<sup>17</sup> Rahaman H., Diversified Cropping Pattern and Agricultural Development, [https://doi.org/10.1007/978-3-030-55728-7\\_4](https://doi.org/10.1007/978-3-030-55728-7_4).

<sup>18</sup> Yang, W. (1965). Methods of farm management investigations for improving farm productivity (No. 04; RMD, S401. U6 Y3.).

<sup>19</sup> Костяев А.И. Диверсификация экономики сельских территорий с учетом их конкурентных возможностей // Вестник государственного аграрного университета северного Зауралья. – 2015. - №3(29). – с.136-144.

диверсификациянинг натижавийлиги шунда англанадики, у юқори даромад ва иш ўрнини таъминлаш, хавфларни камайтириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, барқарор қишлоқ хўжалиги, ресурслардан оқилона фойдаланишини оптималлаштириш, юқори рентабеллик, ердан фойдаланишнинг юқори самарадорлиги ва хавфсиз дехқончилик каби ўзининг ижобий томонлари билан фойдали ҳисобланади.

Юқорида берилган таърифлардан келиб чиқиб, экинларни диверсификация қилиш бизнинг талқинимизда, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш усулларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилишда бир хил афзалликларга эга. Чунончи, “Осиё давлатлари (хусусан Жанубий ва жанубий-шарқий Осиё), Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида ишлаб чиқаришнинг ўсиши, бандлик, даромадлар ва табиий ресурсларнинг барқарорлигини таъминлашга эришиш мақсадида сиёсий аралашув орқали бўлса ҳам экинларни диверсификациялашга кўпроқ эътибор қаратилаётганлигини кўриш мумкин”<sup>20</sup>.

Ҳиндистонлик иқтисодчи олим Б.Сарашватининг таърифига кўра “Диверсификация – мавжуд экинлар тизимиға кўпроқ экинлар қўшилиши ва фермер хўжаликларининг даромадларини қўпайтириш ва хўжаликлар даражасида хатарларни бошқариш амалиётини минималлаштириш билан изоҳланган”<sup>21</sup>.

Шу билан бирга, Америкалик иқтисодчи олим М.Валианинг фикрига кўра “Экинлар диверсификацияси – бир ҳудудда янги ёки бошқа экин турларини қўшиш ва етиштириш”<sup>22</sup> деб таъриф берган.

Республикамиз олимларидан И.Бобожонов таъкидлаб ўтганидек, “... экинларни диверсификация қилиш ер, сув ва бошқа ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва мамлакатда қишлоқ хўжалигини

<sup>20</sup> Siddiqui, S. H., & Rahaman, H. (2016). Crop diversification in relation to time and space: a study from Malda district. International Journal of Informative & Futuristic Research, 4(2), 5133–5142.

<sup>21</sup> Saraswati, P., Bhat, A. (2011): Crop Diversification in Karnataka: An Economic Analysis. Agricultural Economics Research Review Vol. 24 December 2011, pages 351-357.

<sup>22</sup> Walia, M 2020, Crop Diversification, Extension | University of Nevada, Reno, FS-20-28

ривожлантириш учун муҳим стратегия ҳисобланади”<sup>23</sup>. Шу билан бирга, экинларни диверсификация қилиш сув танқислиги, қурғоқчилик ва шўрланиш каби муаммолар билан курашиш учун самарали стратегия ҳисобланади. Бундан ташқари, пахта ва ғалла етиштиришни юмшатиш экинлар диверсификациясини ва фермер хўжаликлари даромадларини оширади. Бу фермер хўжаликларнинг ўз ерларида турли хил экинларни етиштириш учун муносиб танловни тақдим этади<sup>24</sup>.

Бундан ташқари, яна бир хорижлик олим Н.Аҳмадзайнинг қарашларига мувофиқ, “қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялаш иқлимий ва биологик инжиқликлар туфайли хавф ва ноаниқликни олдини олиш мақсадида ҳам амалга оширилади”<sup>25</sup>.

Шунингдек, П.Шарашвати ва А.Бҳатлар таъкидлаб ўтганидек, “ресурслардан яхшироқ фойдаланиш, озуқавий моддаларни қайта ишлаш, хатарларни камайтириш ва ноаниқлик ҳамда тупроқнинг яхши шароитлари учун экинларни ихтисослаштириш ва монокультуранинг амалдаги тизимининг салбий оқибатларини минималлаштиришга ёрдам бериши мумкин. Шу билан бирга, улар ўз илмий тадқиқотлари натижаларида, экинларни диверсификациялаш қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ва экологиянинг яхшиланиши билан иқтисодий самарадорликни ва даромадни оширишини Ҳиндистон мамлакати мисолида аниқлаганлар”<sup>26</sup>.

Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, қишлоқ хўжалигида экинлар диверсификациясига қуйидагича таъриф бердик: ““Экинлар

---

<sup>23</sup> Bobojonov, I., Lamers, J. P. A., Bekchanov, M., Djanibekov, N., Franz-Vasdekij, J., Ruzimov, J., & Martius, C. (2013). Options and constraints for crop diversification: A case study in sustainable agriculture in Uzbekistan. *Agroecology and Sustainable Food Systems*, 37(7), pages 788-811. doi.org/10.1080/21683565.2013.775539.

<sup>24</sup> Bobojonov, I., Lamers, J. P. A., Bekchanov, M., Djanibekov, N., Franz-Vasdekij, J., Ruzimov, J., & Martius, C. (2013). Options and constraints for crop diversification: A case study in sustainable agriculture in Uzbekistan. *Agroecology and Sustainable Food Systems*, 37(7), pages 788-811. doi.org/10.1080/21683565.2013.775539.

<sup>25</sup> Ahmadzai, H. (2018). “Status, Patterns, and Microeconomic Drivers of the Extent of Diversity in Crop Production: Evidence from Afghanistan”. School of Economics, University of Nottingham, CREDIT Research Paper 17/07.

<sup>26</sup> Saraswati, P., Bhat, A. (2011): Crop Diversification in Karnataka: An Economic Analysis. *Agricultural Economics Research Review* Vol. 24 December 2011, pages 351-357.

диверсификацияси бу – қишлоқ хўжалигида турли хил экинларни етиштиришда кенг танлов бериш, экин турларини оқилона жойлаштириш орқали турли хавфларни камайтириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир”<sup>27</sup>.

Қишлоқ хўжалигида экинлар диверсификациянинг асосий мақсади бир-бири ўхшаш бўлмаган турли хил экинларни етиштириб бориш ҳисобига (шунингдек, бир-бири билан мавсумий фарқ қиласидиган экинлар) табиий хавфни камайтириб иқтисодий фойдага эришиш ҳисобланади.

Хорижий адабиётларда кўрсатилишича<sup>28</sup>, қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг асосий учта горизантал, вертикал ва конгломерат турларга бўлиш мумкин (1.1-расм).

*Горизонтал диверсификацияда* хўжалик асосий фаолият билан боғлик бўлган фаолият билан шуғулланади<sup>29</sup>. Масалан, фермерчиликда бир неча хил ўсимликлар турларини мавжуд қишлоқ хўжалиги экин турлари қаторига қўшиш.

*Вертикал диверсификацияда* хўжаликлар бирор турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлик фаолият билан шуғулланиш, яъни маҳсулотни етиштириш, уни сақлаш ва қайта ишлаш фаолиятини йўлга қўйишни тушуниш мумкин<sup>30</sup>.

*Конгломерат диверсификация* деганда хўжалик асосий фаолиятига умуман алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиши тушунилади . Масалан, асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўлган хўжаликлар чакана савдо, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ёки бошқа шунга ўхшаш фаолиятлар билан шуғулланишидир.


---

<sup>27</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>28</sup> Upma Dutta, Julie Dogra and other. Diversification in agriculture: opportunities and strategies in India// Rashtriya Krishi, vol.6 (2); dec., 2011.

<sup>29</sup> Kankwamba, H., Mapila, M.A.T.J. and Pauw, K., 2012. Determinants and Spatiotemporal Dimensions of Crop Diversification in Malawi. Project Report Produced Under a Co-Financed Research Agreement Between Irish Aid, USAID and IFPRI, Paper (3).

<sup>30</sup> Kassie, G. W. 2017. “The Nexus between Livelihood Diversification and Farmland Management Strategies in Rural Ethiopia.” Cogent Economics & Finance 5 (1): 1–16.



**1.1-расм. Қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг турлари<sup>31</sup>.**

Ушбу тадқиқот иши фермер хўжаликлари фаолиятининг горизонтал диверсификация йўналиши бўйича олинган натижаларга асосланади. Қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг яна бир асосий мөхиятидан бири унинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан самарали эканлигидир.

Диверсификациядан келадиган самара хўжалик фаолиятининг умумий натижавийлигини ортиши, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда фермер хўжалигидаги турли ноаниқликларни ва хавфларни камайтириш билан ҳам тушунилади.

Шу билан бирга, маҳсус иқтисодий адабиётлар натижаларини ўрганиш асосида қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг фойдали жиҳатларини таснифий шакллантириш мумкин бўлади (1.1-жадвал).

<sup>31</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

## 1.1-жадвал

### **Кишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялашнинг фойдали жиҳатларини таснифий шакллари<sup>32</sup>**

<b>№</b>	<b>Асосий фойдали жиҳатлар</b>	<b>Экинларни диверсификациялашнинг ўзига хос афзалликлари</b>
<b>1.</b>	Атроф-мухитни муҳофаза қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тупроқ эрозиясини камайтириш;</li> <li>- Биологик хилма-хилликни оширишни таъминлаш;</li> <li>- Ўрмонларни кўпайтириш ва унинг атроф-мухитга таъсирини яхшилаш.</li> </ul>
<b>2.</b>	Иқлим ўзгаришига мослашиш ва адаптация қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Иқлим ўзгариши шароитида фермерлар учун асосий мослашиш стратегияси;</li> <li>- Қурғоқчилик ва сувсизликга чидамлиликни ошириш;</li> <li>- Ҳосилдорликни барқарорлигини ошириш;</li> <li>- Иқлим ўзгариши жараёнларида сугурта сифатида фойдаланиш.</li> </ul>
<b>3.</b>	Барқарор ҳосилдорликни ошириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тупроқ унумдорлигини ошириш;</li> <li>- Ишлаб чиқариш ҳажми ва барқарорлигини яхшилаш;</li> <li>- Мавсумий келадиган хавфларни камайтириш.</li> </ul>
<b>4.</b>	Даромад ва бандликни ошириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Иқтисодий барқарорликни ошириш;</li> <li>- Фермер хўжаликлари даромадини барқарорлаштириш;</li> <li>- Хўжаликларда танлаш имкониятини ошириш;</li> <li>- Иш ўринларини яратиш;</li> <li>- Фермер хўжаликларида иш ўринларини барқарорлигини таъминлаш;</li> <li>- Экинларни диверсификациялаш ҳисобига қишлоқ хўжалигидан даромадларни ошириши.</li> </ul>
<b>5.</b>	Гендер тенглиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Кишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали фермер аёлларнинг имкониятларини ошириш.</li> </ul>
<b>6.</b>	Озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Одамларнинг хилма-хил овқатланишини таъминлаш;</li> <li>- Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш орқали инсонлардаги камқонлиликни яхшилаш;</li> <li>- Озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланишини бевосита яхшилаш.</li> </ul>

<sup>32</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

Хулоса қилиб айтганда, экинларни диверсификациялаш қишлоқ хўжалигидага фермер хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш, юқори фойдалиликни таъминлаш, уларни иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш имкониятини беради.

Маълумки, қишлоқ хўжалигидага меҳнат ва маҳсулот этиштириш мавсумий характерга эга бўлганлиги ва табиий-икклим шароитиларига боғлиқлиги сабабли фермер хўжаликлари даромадининг кўп ёки оз бўлиши бевосита йилнинг қулай ёки ноқулай келишига боғлиқдир. Об-ҳаво ноқулай келган вақтда хўжаликларнинг оладиган даромади кескин камайиб кетиши, йилни зарар билан якунлаш эҳтимоли юқори бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, республикамиз қишлоқ хўжалигидага экинларни диверсификациялаш бўйича кенг ва узоқ йилларга асосланган кенг қамровли илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Тадқиқотлар асосан республиминиз иқтисодчи олимлари томонидан “тахминий сценарийлар ва масофадан зондлаш маълумотлари натижаларига асосланган бўлиб”<sup>33</sup>, бугунги кунга қадар Ўзбекистонда ушбу мавзу бўйича чекланган тадқиқотлар олиб борилган.

Шунингдек, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистоннинг турли минтақаларида фермер хўжаликлари даражасида экинларни диверсификациялаш ҳолати ва унинг даражаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган ёки қўшимча равища тўлиқ тушунча берилмаганлиги ҳам ушбу йўналишда кенгрок ўрганишни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам ушбу тадқиқот иши кўп йиллик расмий статистик маълумотларга асосланган маълумотларни ўз ичига олганлиги билан муҳим саналади.

---

<sup>33</sup> Bobojonov, I., Lamers, J. P. A., Bekchanov, M., Djanibekov, N., Franz-Vasdekij, J., Ruzimov, J., & Martius, C. (2013). Options and constraints for crop diversification: A case study in sustainable agriculture in Uzbekistan. Agroecology and Sustainable Food Systems, 37(7), pages 788-811. doi.org/10.1080/21683565.2013.775539.

## **1.2-§ Экинлар диверсификацияси даражасини ҳисоблашнинг услубий асослари**

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида сўнгги йилларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг таъсири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, жумладан, фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини диверсификациялаш мақсадлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиб келинмоқда. Бунда, молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш, маркетинг каналлари билан алоқаларни яхшилаш ва республика бўйлаб намунавий фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш ушбу мақсадларга эришиш йўлидаги бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим драйвери ҳисобланади. Шу билан бирга, бошқа тоифадаги хўжаликлар каби иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатимизда фермер хўжаликларини аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш имкониятларини баҳолаб бориш муҳим ҳисобланади. Бунда, улар етиштирган маҳсулот тури ва ҳажмини ошириш, яъни диверсификациялаш имкониятлари орқали уларнинг келгусида даромадини янада ошириш йўлларидан бири саналади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларида турли касаллик ва зааркунандаларнинг кўп тарқалиши ҳамда бозордаги талабнинг ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг паст бўлиши, ёнилғи мойлаш материаллари, минерал ўғитлар баҳоларининг ортиб кетиши, баъзи турдаги иш ва хизматлар бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қўйиладиган юқори нархлар фермер хўжаликлари даромадининг пасайишига ва тўловга лаёқатсиз қилиб қўймоқда. Бундай шароитда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга ўз хўжаликларида диверсификациялашнинг турли йўналишларини ривожлантириши муҳим ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари даражасида экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш иқтисодий ўсишни, озиқ-овқат хавфсизлигини яхшиланишини ва

камбағалликни енгиллаштиришда мұхим рол үйнайды. Ҳукumat қўшимча даромад олишни қўллаб-куватлаганлиги сабабли, дехқонлар ўртасида әкинларни диверсификациялашни давом эттириш лозим. Ушбу мақсадда, “Экинларни диверсификациялаш – белгиланган соҳада турли хил әкинларни етиштиришда кенг танлов бериш учун режалаштирилган бўлиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни яхшилади ва хавфни минималлаштиради”<sup>34</sup>. Бу эса, фермер хўжаликларининг истиқболда барқарор ривожланиши учун мұхим омиллардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида әкинларни диверсификация қилиш фермер хўжаликлари учун иқлим ва бошқа хавфларни юмшатиш учун мұхим стратегиялардан бири ҳисобланади. Шарқий Осиё давлатларида ўз тадқиқотларини олиб борган иқтисодчи олим Раҳманнинг таъкидлашича, “...кичик ишлаб чиқариш тизимида әкинларни диверсификациялаш хавфларни бошқариш стратегияси ва тијорий қишлоқ хўжалигига ўтиш учун мұхим қадам экан”<sup>35</sup> лигини айтган.

Бошқа бир тадқиқот иши Макате томонидан уй хўжаликларида олиб борилиб, унга кўра “... әкинлар диверсификациясининг қишлоқ хўжалигига иккита таъсирини аниқлаган. Унга кўра, (I) дуккакли ва донли әкинлар ҳосилдорлигини ошириши ва (II) чидамлиликни ошириши, яъни уй хўжаликлари даромадини, озиқ-овқат хавфсизлигини ва овқатланишини яхшилаши”<sup>36</sup> ни ўз таҳлиллари давомида аниқлаган.

Юкорида кўриб чиқилган манбаларни ўрганиш асосида шуни таъкидлаш мумкинки, дунё мамлакатлари олимлари томонидан әкинлар диверсификацияси бўйича аксарият илмий тадқиқотлар Ҳиндистон, Африка, Америка Кўшма Штатлари, Канада, Бразилия ва Хитой каби мамлакатлар

---

<sup>34</sup> Upma Dutta, Julie Dogra and other. Diversification in agriculture: opportunities and strategies in India// Rashtriya Krishi, vol.6 (2); dec., 2011

<sup>35</sup> Rahman, S. A., Envulus, E. E., Oyewole, S. O., & others. (2009). Income and crop diversification among farming households in a rural area of north central Nigeria. Journal of Tropical Agriculture, Food, Environment and Extension, 8(2), 84–89.

<sup>36</sup> Makate, C., Wang, R., Makate, M. et al. Crop diversification and livelihoods of smallholder farmers in Zimbabwe: adaptive management for environmental change. SpringerPlus 5, 1135 (2016). <https://doi.org/10.1186/s40064-016-2802-4>

миқёсида күпроқ ўрганилган. Ушбу олиб борилган тадқиқотлар асосан тажрибавий натижаларга таянганлиги, әкинлар диверсификациясининг эмпирик таҳлиллар орқали берилган кўрсаткичлар орқали диверсификация даражасини аниқлаш заруратини тақозо этмоқда.

Ушбу нуқтаний назардан қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликлари миқёсида әкинлар диверсификацияси даражасини билиш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим саналади. Олиб борилаётган тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, диверсификация даражасини турли усуслар орқали ифодалаш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда “диверсификация индекси (даражаси)<sup>37</sup>” - (*Index of diversity*) биринчи бўлиб Р.Фишер, С.Корбет ва С.Уилямс<sup>38</sup> томонидан 1943 йилда киритилган. Бир қатор математик амаллардан сўнг, улар намуналардаги турлар ва турларнинг умумий сонини ўзаро боғлиқлигини аниқлаган. Турларнинг умумий сони ортиши билан турлар сони ўзгармас қийматга яқинлашди. Улар бу ўзгармас қийматни диверсификация индекси деб аташган.

Диверсификация индекси "турларнинг хилма-хиллиги"ни ифодалайди ва намунанинг ҳажмини ошириш орқали олинган турлар сонининг кўпайиши сифатида таърифланади. Диверсификация даражасини турларнинг сони ва намунавий ўлчамлари маълум бўлгандагина ҳисоблаш мумкин.

Диверсификация даражасининг камчиликларидан бири шундаки, у берилган жами намуналар ҳажмидан мустақил бўлмаган ва шунинг учун ҳам уни умумлаштиришнинг имкони бўлмаган.

1949 йилда Э.Х.Симпсон<sup>39</sup> диверсификация даражасини ҳисоблашнинг янгича усулини яратишга муваффақ бўлган. Унга кўра, кичик гуруҳлардан умумий гуруҳларга ажратилиб ҳисоблашга асосланган диверсификация

---

<sup>37</sup> Кейинги ўринларда “даражса” деб ҳам юритилади.

<sup>38</sup> Fisher, R, Steven Corbet, and C Williams. 1943. “The Relationship Between the Number of Species and the Number of Individuals in a Random Sample of an Animal Population.” *Journal of Animal Ecology* 12 (1): 42–58.

<sup>39</sup> Simpson, Edward H. 1949. “Measurement of Diversity.” *Nature* 163.

даражаси ўлчовини таклиф қилди. Бу ҳозирги замонавий Симпсон диверсификация даражасининг асоси ҳисобланади.

Бундан ташқари, 1945 йилда немис иқтисодчи олим А.О.Хирсчман<sup>40</sup> саноатда улуши кичик бўлган мамлакатлар билан савдо қиласидан йирик мамлакатларнинг иқтисодий кучини ўлчаш мақсадида янгича индекс ишлаб чиқди. Индекс ҳар бир мамлакатнинг бозор улуши квадратлари йифиндисининг квадрат илдизи сифатида ҳисобланаб, мамлакатлар сони ва савдо-сотик ҳажмига боғлиқ бўлган. Агар индекс кўрсаткичи 100 га яқинлашса ушбу мамлакатнинг савдо-сотик ҳажми бошқа давлат томонидан монополлаштирилган ҳисобланади ва агар индекс кўрсаткичи 0 га яқинлашса давлатларнинг савдо-сотик ҳажми чекиззликка қараб яқинлашганлигини аниқлашга муваффақ бўлган.

1950 йилда, яна бир америкалик олим Оррис Ҳерфинахл<sup>41</sup> Хирсчманинг ишини олдиндан билмасдан, Хирсчман индексини қайта кашф этди. Ҳерфинахл тадқиқотининг асосий мақсади АҚШда пўлат саноатини 1898 ва 1948 йиллар оралиғида кўпроқ ёки камроқ монополистик ҳолатга тушиб қолганлигини аниқлашдан иборат бўлган. Пўлат саноати соҳасидаги фирмалар сони ва нисбий кўплигига асосланган концентрациянинг умумий ўлчовини таъминлаш учун Ҳерфинахл ҳар бир бозор иштирокчисининг бозор улуши квадратлари йифиндиси сифатида ҳисобланган индексини ишлаб чиқкан. Ушбу индекс ёрдамида у шу даврда пўлат саноатини рақобатбардош бўлиб қолганлигини кўрсатди. Индекс Хирсчман ва Ҳерфинахл томонидан мустақил равишда кашф қилинганлиги сабабли, уни иқтисодиётда одатда Ҳерфинахл-Хиршман индекси (Herfindahl-Hirschman Index (HHI) деб атасади.

Кейинги олиб борилган тадқиқотлар натижасида “корхоналар фаолиятини диверсификациялаш имкониятларини баҳолашда

---

<sup>40</sup> Hirschman, Albert O. 1945. National Power and the Structure of Foreign Trade. Berkley: University of California Press.

<sup>41</sup> Herfindahl, Orris C. 1950. “Concentration in the US Steel Industry.” Columbia University.

диверсификация даражасини белгиловчи кўрсаткичдан (D) фойдаланишган”<sup>42</sup>:

$$D = 1 - \frac{100}{\sum_{i=1}^n M(2i-1)} \quad (1.1)$$

Бу ерда,

M – алоҳида маҳсулот турининг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши (%) да;

i – улушининг пасайиб бориш тартибида алоҳида маҳсулот турининг тартиб рақами;

n – маҳсулот турларининг сони.

Ушбу кўрсаткичлар орқали аниқланган корхонанинг диверсификация даражаси унинг маҳсулот ишлаб чиқаришга қанчалик ихтисослашувини англатади. Агар ушбу кўрсаткич 0 га teng бўлса корхона бир турдаги маҳсулотга ихтисослашган, агар у қанчалик 1 га яқинлашса диверсификация даражаси шунчалик юқори бўлади.

Кейинроқ яна бир чет эллик олимлардан бири Аделман<sup>43</sup> хар қандай бозорда қўлланилиши мумкин бўлган Ҳерфиндаҳл индексининг рақамларга асосланган эквивалент талқинини таклиф қилган. Ҳерфиндаҳл индексининг рақамлар эквиваленти усули оддийроқ усулдаги Ҳерфиндаҳл билан ўзаро боғланган ва Симпсон индекси билан бир хил бўлган. Шундай қилиб, ушбу Ҳерфиндаҳл ва Симпсон индекслари ўхшаш хусусиятларга эга индекс турлари ҳисобланади.

Диверсификация даражасини ҳисоблашнинг яна бир усуларидан бири бу Шаннон индекси, яъни алоқа назариясидан келиб чиқсан. У 1948 йилда Клод Шеннон<sup>44</sup> томонидан киритилган. Шаннон хабарларни узатиш вақтида қандай бузилишини ўз ичига олган маълумотларни ўрганиб чиқсан. Унинг аниқлашича матнлар қаторида қайси ҳарф кейинги бўлишини олдиндан

<sup>42</sup> Walia, M 2020, Crop Diversification, Extension | University of Nevada, Reno, FS-20-28

<sup>43</sup> Adelman, M A. 1969. “Comment of the ‘H’ Concentration Measure as a Numbers-Equivalent.” The Review of Economics and Statistics 51 (1): 99–101.

<sup>44</sup> Shannon, Claude E. 1948. “A Mathematical Theory of Communication.” The Bell System Technical Journal 27: 379–423 and 623–56.

айтиш қийинроқ бўлган, чунки ҳарфлар сонининг кўпайиши ва қизиқиши сатрида уларнинг мутаносиблиги тенглаштирилган.

Шаннон индекси экологлар томонидан биологик хилма-хилликни ўрганишда ҳам қўлланилган. Шундай қилиб, у экология адабиётларида машҳур бўлган Шаннон-Вайнер индекси (Shannon-Weiner index), Шеннон-Уивер индекси (Shannon-Weaver index) ва Шеннон энтропия индекси (Shannon entropy index) ва шу каби кўплаб вариантларда ишлатилган.

Ҳозирги кунда ушбу ишлаб чиқилган индекслар иқтисодиётнинг турли тармоқларида кенг миқёсда ишлатилиб келинмоқда. Соҳасига қараб ушбу индексларни ўлчов бирлиги сифатида ишлатиш ҳар қандай тармоқни тўғри ривожлантириш учун замин бўла олади. Чунончи, қишлоқ хўжалиги соҳасида даромад диверсификацияси (*income diversification*), ишлаб чиқариш диверсификацияси (*production diversification*) ҳамда экинлар диверсификацияси (*crop diversification*) ларини юқорида кўриб чиқилган усусларни қўллаган ҳолда ўлчаш мумкин бўлади.

Диверсификация даражасини ҳисоблаш учун мос усулни танлаш, маълумотларнинг турига (узлукли ёки узлуксиз), ўрганиш турлари (эмпирик ёки бошқалар), ўрганиш даражаси (макро ёки микро), таҳлил бирлиги (бир вақтнинг ўзида бир нечта ёки ундан кўп) ларга бевосита боғлиқ. Қуйида 1.2-жадвалда қишлоқ хўжалиги соҳасида адабиётларда кенг миқёсда ишлатиладиган диверсификация даражалари, уларни ҳисоблаш формулалари ва изоҳлаш чегараларини келтириб ўтамиз.

Бу ерда,  $D_i$   $i$  та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг диверсификация даражасини ифодалаш қиймати,  $N$   $i$  та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан экилган экинлар сони,  $A_i$   $i$  та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг умумий экин майдони,  $P_n$  ҳар бир қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан экилган  $n$  та экин.

Шу билан бирга, диверсификация даражасини изоҳлаш чегаралари ҳисоблаш формулаларидан келиб чиқиб турлича ифодаланади. Чунончи, “индекс қиймати 0 га яқин даражада ифодаланса, хўжалик монокультурани

ёки битта экин турига ихтисослашганлигини күрсатади, аксинча индекс қиймати 1 га яқин даражада ифодаланса, хўжалик юқори кўрсаткичда диверсификациялашганлигини кўрсатади”<sup>45</sup>.

## 1.2-жадвал

### Диверсификация даражасини ҳисоблаш усуллари<sup>46</sup>

Усуллар <sup>47</sup>	Формула	Изоҳлаш
Crop count	$D_i = N$	$D_i \geq 0$
Margalef Index (MI)	$D_i = \frac{N - 1}{\ln (A_i)}$	$D_i \geq 0$
Herfindahl Index (HHI)	$D_i = \sum_{n=1}^N (P_n)^2$	$0 \leq D_i \leq 1$
Simpson or Transformed Herfindahl Index (THI)	$D_i = 1 - \sum_{n=1}^N (P_n)^2$	$0 \leq D_i \leq 1$
Berger-Parker (BP)	$D_i = \frac{1}{\max (P_n)}$	$D_i \geq 0$
Shannon-Weaver or the Entropy Index (EI)	$D_i = - \sum_{n=1}^N P_n \log (P_n)$	$D_i \geq 0$
Modified Entropy Index (MEI)	$D_i = - \sum_{n=1}^N [P_n \log_N (P_n)]$	$0 \leq D_i \leq 1$
Composite Entropy Index (CEI)	$D_i = MEI * \left[ 1 - \frac{1}{N} \right]$	$0 \leq D_i \leq 1$

Кўрсаткични аниқлаш диверсификациялаш борасида жорий ҳолатда эришилган фаолият натижаларини баҳолаш, самарадорликни ошириш ва улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишига хизмат қиласи.

<sup>45</sup> Simpson, E. H. (1949). Measurement of diversity. Nature, 163, page 688.

<sup>46</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>47</sup> Изоҳ: Индексни ўлчаш усулларини адабиётларда берилганидек инглиз тилида номланган атамаларда берилди.

Ўз навбатида таҳлил натижалари хўжаликни рақобатдошлигини ошириш учун унинг фаолиятини диверсификациялаш салоҳиятини шакллантириш ва уни бошқаришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиша асос бўлиб хизмат қиласди.

Юқорида берилган диверсификация даражасини ҳисоблаш йўллари орқали уларни худудлар бўйича турли тоифаларга бўлиш ҳам мумкин. Зоро, ушбу ажратилган тоифалар худудларнинг қанчалик даражада диверсификациялашган ёки йўқлигини аниқлаш учун хизмат қиласди. Бунда, тоифалар худудлар кесимида диверсификация қилинмаган (*No diversification*), паст даражадаги диверсификация (*Low level diversification*), ўрта даражадаги диверсификация (*Medium level diversification*), юқори даражадаги диверсификация (*High level diversification*) ва энг юқори даражадаги диверсификация (*Very high-level diversification*) кўрсаткичдаги тоифаларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тоифаларни диверсификация даражасини ҳисоблаш усуллари (масалан, Симпсон индекси) ёрдамида ифодаласак, куйидаги 1.3 – жадвалда кўрсатилганидек таснифланади.

### **1.3-жадвал**

#### **Диверсификация даражасининг тоифаланиши<sup>48</sup>**

Экинлар диверсификацияси	Тоифалари
	Диверсификация қилинмаган
	Паст даражадаги диверсификация
	Ўрта даражадаги диверсификация
	Юқори даражадаги диверсификация
	Тўлиқ даражадаги диверсификация

Тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиқиб, экинлар диверсификация даражасини аниқ ўлчаш учун Симпсон диверсификация индекси (Simpson

<sup>48</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

Diversity Index - SDI) дан фойдаланилди. Симпсон диверсификация индекси қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$SID = 1 - \sum_{i=1}^n P_i^2 \quad (1.2)$$

$$P_i = \frac{A_i}{\sum_{i=1}^n A_i} \quad (1.3)$$

Бу ерда,

$A_i$  - ҳар бир қишлоқ хўжалиги экин турининг майдони;

$P_i$  - қишлоқ хўжалиги экинларнинг умумий майдони.

Бунда, узоқ муддатли (2010-2020 йиллар) статистика маълумотлари билан вилоятлар кесимида экин майдонлари асосида ҳисобланди. Ушбу маълумотлар таҳлили Стата-16 (Stata-16) статистик дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

### **1.3-§ Қишлоқ хўжалигига экинлар диверсификацияси билан боғлиқ омиллар таъсирини баҳолаш услублари**

Ҳозирда дунёдаги кўплаб сиёсатчилар ва тадқиқотчилар ўртасида қишлоқ хўжалигига экинларни диверсификациялаш муҳим муҳокама мавзуси бўлиб келмоқда. Бир нечта Африка давлатларида тадқиқотларини олиб борган Бигстен ва Тенгстамлар “қишлоқ хўжалигига асосланган тирикчилик ва барқарор қишлоқ хўжалигини қўллаб-куватлашда диверсификациянинг ўрни тўғриси”<sup>49</sup> да маълумот беради. Яна бир иқтисодчи олим Фафчампс “екинлар диверсификациясини фермер хўжаликларининг фойда олиш омилларига таъсирини ўрганганд”<sup>50</sup>.

---

<sup>49</sup> Bigsten, A., Tengstam, S. 2011. Smallholder diversification and income growth in Zambia. Journal of African Economies, 20 (5) (2011), pp. 781-822.

<sup>50</sup> Fafchamps, M. 1999. Rural poverty, risk and development. Center for the Study of African Economies. Oxford University.

Шу билан бирга, жаҳон банки эксперлари томонидан олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, “... республикамиз қишлоқ хўжалигида олиб борилган ер ислоҳотлари негизида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлаш, пахта ва буғдойдан бошқа юқори қийматли экинлар майдонларини кенгайтириш ва етиштириш, диверсификациялашни жорий қилиш билан қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда фермер хўжаликлари даромадини янада ошириш мумкинлигини аниқлаганлар”<sup>51</sup>.

Юқоридаги тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, биз илмий тадқиқот иши давомида қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг фермер хўжаликлари даромадига таъсирини баҳоладик.

Зоро, тадқиқот ишининг асосий мақсади, қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари томонидан экилган экин турлари бўйича кўп йиллик маълумотларга асосланиб, вилоятлар кесимида “диверсификация даражаси”ни хисоблаш ҳамда қишлоқ хўжалигида экинлар диверсификацияси даражасининг фермер хўжаликлари самарадорлигига таъсирини, шунингдек фермер хўжаликлари диверсификация даражасига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни тизимли равишда баҳолашдан иборат.

Адабиётларда фермер хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий омилларини диверсификация даражасига таъсирини таҳлил қилишда турли хил эконометрик тадқиқот моделлари ва ёндашувлардан фойдаланилади. Бунда, тўғри моделни танлаш тадқиқот жараёнида ҳолат ва баҳолаш мезонларига ҳамда моделларнинг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб танланади<sup>52</sup>. Шунингдек, эконометрик моделларни танлаш таҳлил қилинаётган маълумотларнинг ўзига хос хусусиятларига ҳамда ундаги

<sup>51</sup> Zorya, S., Djanibekov, N., Petrick, M. (2019): Farm Restructuring in Uzbekistan: How Did It Go and What is Next? Washington, D.C.: World Bank Group. Tashkent

<sup>52</sup> Asante BO, Villano RA, Patrick IW, Battese GE (2018) Determinants of farm diversification in integrated crop-livestock farming systems in Ghana. Renewable Agric Food Syst 33(2):131–149

мавжуд эркли ва эркисиз ўзгарувчиларнинг қай тарзда берилганлигига ҳам боғлиқ<sup>53</sup>. Мисол учун, шундай эркли ва эркисиз ўзгарувчилар бўладики, уларни бошқа ўзгарувчилар орқали яратиб олишга тўғри келади. Бу эса моделларни танлаш жараёнида ушбу ўзгарувчиларнинг муҳимлигига қараб ўзгариши мумкин<sup>54</sup>.

Ривожланаётган мамлакатларда олиб борилган кўплаб илмий-тадқиқот ишларида фермер хўжаликлари диверсификация даражасига таъсир этувчи омилларни баҳолашда фермер хўжаликларининг ижтимоий-иктисодий, демографик, минтақавий ва институционал хусусиятлари муҳим саналади<sup>55</sup>.

Ушбу омиллар таъсирини баҳолашда эмпирик таҳлилларни бажариш учун турли эконометрик моделлардан фойдаланилади, жумладан “Энг кичик квадратлар усули” (Ordinary least square) ёки “Чекланган эркисиз ўзгарувчи” (*Limited dependent variable*) моделидан фойдаланилади<sup>56</sup>. Бунда, омиллар (*Determinants*) турли ўлчов бирликларида акс этиши мумкин, масалан категориялашган, иккилик (бинар), маълум чегарада чекланган маълумотлар ва цензуралашган кўрсаткичларда ифодаланади.

Таъсир омилларини баҳолашда “Энг кичик квадратлар усули” (Ordinary least square) моделидан кўпроқ эркли ўзгарувчи (*dependent variable*) лар давомий ўзгарувчили ҳолатда кузатилсагина мақсадга мувофиқ саналади<sup>57</sup>. Берилган омиллар акс эттирилган маълумотлар кўрсаткичлари маълум чегара

---

<sup>53</sup> Мустафақулов Ш.И., Негматов Ж.Б., Муродуллаев Н.Н., Жўраев Б.Р. Эконометрика: ўкув қўлланма. – Тошкент 2017. 155 б.

<sup>54</sup> Wooldridge, Jeffrey M. (2010) Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data, 2<sup>nd</sup> edition, MIT Press.

<sup>55</sup> Bowman, M. S., & Zilberman, D. (2013). Economic Factors Affecting Diversified Farming Systems. *Ecology and Society*, 18(1), 33.; Mishra, A. K., & Goodwin, B. K. (1997). Farm income variability and the supply of off-farm labor. *American Journal of Agricultural Economics*, 79(3), 880–887.; Ellis, F. (1998). Household strategies and rural livelihood diversification. *Journal of Development Studies*, 35(1), 1–38.; Ellis, F. (2000). The determinants of rural livelihood diversification in developing countries. *Journal of Agricultural Economics*, 51(2), 289–302.

<sup>56</sup> Gujarati, D. N., "Basic Econometrics", 5th ed. Boston: McGraw-Hill, 2009.

<sup>57</sup> Mesfin, W., Fufa, B., & Haji, J. (2011). Pattern, Trend and determinants of crop diversification: empirical evidence from smallholders in eastern Ethiopia. *Journal of Economics and Sustainable Development*, 2(8), 78-89.

доирасида ифодаланган тақдирда эса “Чекланган эркисиз ўзгарувчи” (*Limited dependent variable*) моделидан фойдаланиш тавсия этилади<sup>58</sup>.

Қуйида 1.4-жадвал асосида әкинлар диверсификацияси ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолашда қўлланилган турли усувлар ва эконометрик моделлар билан таҳлилларни олиб борган дунё олимлари илмий ишларининг айримларини изоҳлаб беришга ҳаракат қилинди.

#### **1.4-жадвал**

##### **Экинларни диверсификациялаш бўйича хорижий олимларнинг тадқиқот ишлари таҳлили<sup>59</sup>**

<b>Муаллифлар</b>	<b>Тадқиқот обьекти</b>	<b>Кузатув-лар сони</b>	<b>Диверсификациацияни ўлчаш усули</b>	<b>Қўлланилган моделлар</b>
Мандал ва Безбаруах (2013)	Ҳиндистон	342	Composite Entropy Index (CEI)	Two-limit Tobit Analysis
Месфин ва бошқалар (2011)	Эфиопия	167	Modified Entropy Index	Two-limit Tobit Analysis
Рао ва бошқалар (2008)	Ҳиндистон (16 вил.)	309	Shannon Entropy Index	Modified Tobit Model
Дубе ва бошқалар (2016)	Замбия (Чома тум.)	60	Entropy Index	Tobit Analysis
Кумар ва бошқалар (2012)	Шарқий Ҳиндистон	2885	Transformed Herfindahl Index	Heteroskedastic Tobit Analysis
Стоеффир (2016)	Буркина Фасо	229	Count, Entropy, & Berry indices	Probit and MNL
Ван Дусен ва Тайлор (2005)	Мексика	281	Count of crops	Poisson
Ибраҳим ва бошқалар (2009)	Нигерия	100	Simpson Index	Multiple Regression

<sup>58</sup> Long, J. S., & Long, J. S. (1997). Regression models for categorical and limited dependent variables (Vol. 7), Sage.; DeMaris, A. (2004). Regression with sociat data: Modeling continuous and limited response variables (Vol.417). John Wiley & Sons.; Fabra, U. P., & Schmidheiny, K. (2007). Limited Dependent Variable Models.

<sup>59</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

Бундан ташқари, берилган эркисиз ўзгарувчи қийматлари қуиі ва юқоридан чегараланиб, бошқа эркли ўзгарувчилар билан ўзаро боғлиқлигини аниклашда Tobit модели қулай ҳисобланади.

Юқорида берилган ҳар бир чекланган эркисиз ўзгарувчи моделларини әмпирік таҳлилларда қўллашнинг ўзига ҳос қулайликлари ва шартлари мавжуд. Чунончи, Logit модели – чизиқли бўлмаган модел ҳисобланиб, асосан микдорий ва категорияли омиллар билан регрессия таҳлилларини амалга оширишда қулай модел ҳисобланади<sup>60</sup>.

Ушбу моделни әмпирік таҳлилларда ишлатишдан олдин берилган ўзгарувчиларни, яъни эркли ўзгарувчи моделга мос тушиши, ўзгарувчилар тўғри ўлчов бирликларида берилиши ҳамда ўзгарувчилар ўртасида мультиколлениарлик (*multicollinearity*)<sup>61</sup> муаммоси кузатилмаслиги керак.

Агар юқоридаги муаммолар моделдаги эркли ўзгарувчилар ўртасида кузатиладиган бўлса, бу албатта моделдан олинадиган натижаларга бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ушбу муаммоларни әмпирік ечиш йўлларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Probit модели – ҳам Logit модели каби берилган маълумотларнинг аксарияти ҳамда эркисиз ўзгарувчининг қиймати иккилик (0 ва 1) бўлган ҳолларда қўлланилади. Ушбу икки моделнинг асосий фарқи шундаки, Logit моделида стандарт хатоликлар ( $\varepsilon_i$  – *standart errors*) ва уларнинг қийматлари нормал тақсимот (normal distribution –  $N(\mu, \sigma^2)$ ) га асосланади.

Probit моделида эса стандарт хатоликлар ( $\varepsilon_i$  – *standart errors*) ва уларнинг қийматлари умумий нормал тақсимот қонуниятига асосланади<sup>62</sup>.

---

<sup>60</sup> Wooldridge, Jeffrey M. (2010) Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data, 2nd edition, MIT Press.; Aldrich, J. H., & Nelson, F. D. (1984). Linear probability, logit, and probit models (No. a5). Sage.; Long, J. S., & Long, J. S. (1997). Regression models for categorical and limited dependent variables (Vol. 7), Sage.; DeMaris, A. (2004). Regression with social data: Modeling continuous and limited response variables (Vol.417). John Wiley & Sons.; Fabra, U. P., & Schmidheiny, K. (2007). Limited Dependent Variable Models.

<sup>61</sup> Мультиколлениарлик муаммоси бир-бирига чизиқли боғланган регрессорлар регрессия моделида ишлатилганда намоён бўлади.

<sup>62</sup> Breen, R., Karlson, K. B., & Holm, A. (2013). Total, direct, and indirect effects in logit and probit models. Sociological Methods & Research, 42(2), 164-191.; Wooldridge, J.M. (2013); Introductory Econometrics: A Modern Approach, Fifth Edition.

Умумий жиҳатдан Probit ва Logit моделлари учун математик формуласи қуйидагича келтирилган:

$$y_i = \alpha + \beta_1 x_1 + \beta_2 x_2 + \beta_3 x_3 + \dots + \beta_n x_n + \varepsilon_i \quad (1.4)$$

$$y_i = \begin{cases} 1, & y_i^* > 0 \\ 0, & y_i^* < 0 \end{cases}$$

Бу ерда,

$y_i$  = эрксиз ўзгарувчи;

$\alpha$  = ўзгармас қиймат, яъни константа;

$\beta_{1,\dots,n}$  = ҳисобланган модел параметрлари, яъни эркли ўзгарувчилар эластиклик коэффицентлари;

$x_{1,\dots,n}$  = эркли ўзгарувчилар;

$\varepsilon_i$  = стандарт хатоликлар.

Шунингдек, ушбу моделларни маржинал таъсиридан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда, адабиётлар<sup>63</sup>да берилганидек  $x$  нинг 1 фоизга ўсиш эҳтимолини  $\beta$  миқдорда оширади.

Тадқиқот иши давомида фермер хўжаликлари диверсификация даражасини Сипмсон диверсификация индекси (Simpson Diversity Index) усули ёрдамида ҳисоблаганлигимиз ҳамда ушбу индекс кўрсаткичи 0 ва 1 оралиғида чегараланишини ҳисобга олсак, фермер хўжаликлари диверсификация даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлилини Tobit моделида ҳисоблаш қулай ҳисобланади.

Tobit модели – юқорида берилган моделлардан асосий фарқи шундаки, ушбу моделда қийматлари манфий бўлмаган эрксиз (*dependent variable*) ва эркли (*independent variable*) ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни баҳолашда қўлланилишидир. Бунда, эрксиз ўзгарувчи қийматлари белгиланган қути ва юқори чегара оралиғида бўлади [0 ва 1] ҳамда чизиқли

---

<sup>63</sup> Prof. Sharyn O'Halloran. Sustainable Development U9611 Econometrics II (9-lecture).

боғлиқлик асосида танланган эркли ўзгарувчиларнинг таъсириларини таҳлил қилишда қулай модел ҳисобланади<sup>64</sup>.

Шу билан бирга, моделда ишлатилаётган натижадор (эрксиз) ўзгарувчи сензорланган, яъни жуда кўп ноллардан ҳамда 0 ва 1 оралиғидаги мусбат қийматга эга бўлган кузатувчилардан иборат бўлади<sup>65</sup>. Tobit моделининг таҳлиллар учун умумий формуласи қуидагича кўринишда ифодалаш мумкин:

$$y_i^* = x'\beta_i + e \quad e \sim N(0,1) \quad (1.5)$$

$$y_i = \begin{cases} y_i^* & y_i^* > 0 \\ 0 & y_i^* \leq 0 \end{cases}$$

Бу ерда,

$y_i$  = эрксиз ўзгарувчи, яъни Сипмсон диверсификация даражаси кўрсаткичи;

$x$  = эркли ўзгарувчилар;

$\beta_i$  = ҳисобланган модел параметрлари, яъни эркли ўзгарувчилар эластиклик коэффицентлари;

$e$  = стандарт хатолик бўлиб, хатолик нормал тақсимотга эга;

$y_i^*$  = латент ўзгарувчи бўлиб, тўғридан - тўғри ўрганилмайди.

Ушбу моделлар ёрдамида амалга оширилган таҳлиллар натижалари 3.1 параграфда батафсил ёритилади.

Бундан ташқари, тадқиқот давомида Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Тойлоқ, Оқдарё ва Пайариқ туманларида юзма-юз сўровнома шаклида олинган маълумотларга асосланган. Ушбу тадқиқот ишида эмпирик

<sup>64</sup> Tobin, J. (1958). Estimation of relationships for limited dependent variables. *Econometrica: journal of the Econometric Society*, 24-36.; Amemiya, T. (1984). Tobit models: A survey. *Journal of econometrics*, 24(1,2), 3- 61.; Smith, D. A., & Brame, R. (2003). Tobit models in social science research: Some limitations and a more general alternative. *Sociological Methods & Research*, 31(3), 364-388.; Powell, J. L. (1986). Symmetrically trimmed least squares estimation for Tobit models. *Econometrica: journal of the Econometric Society*, 1435-1460.; Amore, M. D., & Murtinu, S. (2019). Tobit models in strategy research: Critical issues and applications. *Global Strategy Journal*.

<sup>65</sup> Ani Katchova (2013). *Econometrics Academy: “Limited dependent variable”*.

тахлиллар натижаларини акс эттиришда қуидаги күрсаткичлардан фойдаланилди (1.5-жадвал).

### 1.5-жадвал

#### Эмпирик таҳлилларда қўлланилган кўрсаткичларнинг статистик тавсифи<sup>66</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар мазмуни
<b>Эрксиз ўзгарувчилар:</b>		
Фермер хўжалиги даромади	млн. сўм	Фермер хўжалиги жами экинлардан оладиган даромади
Диверсификация даражаси	( $0 \leq CID \leq 1$ )	Фермер хўжалигига йил давомида экилган экин майдони бўйича хисобланган
<b>Эркли ўзгарувчилар:</b>		
Жами экин майдони	гаектар	Фермер хўжалигининг умумий ер майдони
Жами қишлоқ хўжалигига бандлар	киши сони	Қишлоқ хўжалигига ишлаётган ишчилар
Жами уруғлик	килограмм	Фермер хўжалигига экинлар учун кетган уруғлик миқдори
Жами кимёвий ўғит	килограмм	Фермер хўжалигига экинларни етиштириш учун кетган кимёвий ўғит миқдори
Жами ёқилғи	литр	Фермер хўжалигига экинларни экиш, агротехник тадбирлар ва йиғиб олиш учун кетган ёқилғи миқдори
Жами техникалар сони	дона	Фермер хўжалигига мавжуд техникалар сони

<sup>66</sup> Сўровнома маълумотномалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Фермер хўжаликлариға хос омиллар:**

Ёши	йилда	Фермер хўжалиги раҳбарининг ёши
Фермерлик тажрибаси	йилда	Фермер хўжалиги раҳбарининг фермерлик фаолиятидаги тажрибаси
Активлар	млн. сўм	Фермер хўжалигидага мавжуд жами активлар
Яқин бозоргача бўлган масофа	километр	Фермер хўжалиги жойлашган худуддан маҳаллий бозоргача бўлган масофа
Бошқа фаолиятдан келадиган даромад	иккилиқ	Фермер хўжалиги раҳбарининг бошқа фаолият манбаидан оладиган даромади бўлса = 1, акс ҳолда = 0
Экстеншн хизмати	иккилиқ	Фермер хўжалиги фаолияти давомида экстеншн хизматларидан фойдаланган бўлса = 1, акс ҳолда = 0
Қайта ишлаш корхоналари	иккилиқ	Фермер хўжалиги жойлашган худудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотрини қайта ишлаш корхоналари ривожланган ёки иш фаолиятида бўлса = 1, акс ҳолда = 0
Насос мавжудлиги	иккилиқ	Фермер хўжалиги фаолиятида қўшимча сугориш тизими фойдаланган бўлса = 1, акс ҳолда = 0
Трактор мавжудлиги	иккилиқ	Фермер хўжалигидага трактор мавжуд бўлса = 1, акс ҳолда = 0

Юқорида кўриб чиқилганларни таҳлил қилиб хулоса қиласиган бўлсак, ушбу тадқиқот ишида республикамиз олимлари томонидан олдинги илмий изланишларда кўриб чиқилмаган қуйидаги масалалар ўрганилди, жумладан:


- қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг назарий ва услубий асослари ёритилиб, экинларни диверсификациялаш даражалари баҳоланди;

- узоқ муддатли (2010-2020) панел маълумотлар асосида Ўзбекистонда вилоятлар кесимида диверсификация даражаси ҳисобланди ва тоифаларга бўлинди;

- “икки босқичли энг кичик квадратик регрессия” - (Two-stage least square) ва “Чекланган эрксиз ўзгарувчи” - (Limited Dependent Variable) эконометрик моделлари ёрдамида фермер хўжаликлари диверсификация даражасининг уларнинг даромадига ҳамда диверсификация даражасига фермер хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини эмпирик таҳлили Стата-16 (Stata-16) статистик дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилди.

Ушбу методологиялар қўлланилиб, таҳлиллар бўйича олинган натижалар кейинги параграфларда батафсил ёритилиб берилади. Шунингдек, ушбу тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ҳамда диссертация ишининг илмий нуқтаи-назаридан ишончлилигини ошириш мақсадида, эмпирик таҳлилларда эконометрик моделлар орқали ўрганилаётган ўзгарувчилар учун қуйида 1.2-расмда тасвирланган умумий концептуал тузилиши ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишларини олиб боришда концептуал тузилишнинг ишлаб чиқилиши танланган мавзууни услубий жиҳатдан тўғри ёндашув асосида ёритиб беришда муҳим асос ҳисобланади. Мавзунинг ҳар бир боби ўзига хос кетма-кетликда берилган маълумотлар асосида тўлиқ ёритилишига замин яратади. Бу эса диссертация ишининг ҳар томонлама мукаммал тарзда ёритилшини таъминлайди. Ушбу тадқиқот ишимизнинг асосий маълумотлари сифатида республикамизда фаолият юритаётган фермер



**1.2-расм. Диссертация ишининг умумий концептуал тузилиши<sup>67</sup>**

<sup>67</sup> Муаллиф ишланмаси.

хўжаликлари маълумотлари олинган бўлиб, унда танланган эркли ва экрсиз ўзгарувчилар орқали эмпирик баҳолаш йўллари орқали ҳамда турли статистик тестларни амалга оширган ҳолда натижаларнинг ишончлилиги текширилди. Статистик тестларни амалга ошириш орқали олинган натижаларнинг ишончлилиги янада оширилди ва натижалардан олинган хулосаларнинг тўлақонли илмий асосларга эга эканлигини исботлайди. Бу эса, диссертация ишининг мазмун ва моҳиятини янада яхшиланган тарзда ифода этишда муҳим асос ҳисобланади.

## **I боб бўйича хулосалар**

– Европа мамлакатлари орасида 2019 йилга келиб мавжуд қишлоқ хўжалиги тизимида атиги 16 фоиз кўп тармоқли дехқончилик тизими мавжудлиги аниқланди;

– мамлакатимиз ҳукумати томонидан фермер хўжаликлари самарадорлиги ва даромадини янада ошириш мақсадида 2015 йилдан кейин пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш, уларнинг ўрнида бошқа юқори қийматли экин турларини диверсификациялаш масаласи асосий вазифага айланди ва фермер хўжаликлари сони янада ошди. Бундан ташқари, мамлакатнинг янги ҳукумати томонидан анъанавий экин турлари ҳосилдорлигини ошириш баробарида мева-сабзавотлар ва бошқа юқори қийматли экинларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш бўйича қатор норматив-хуқуқий хужжатлар тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди;

– қишлоқ хўжалигига диверсификациялашнинг ўзига хос усулларда амалга ошириш мумкин. Жумладан, даромад диверсификацияси, ишлаб чиқариш диверсификацияси ҳамда экинлар диверсификацияси. Шу ўринда, экинларни диверсификациялаш қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш, юқори фойдалиликни таъминлаш, уларни иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш имкониятини беради;

– қишлоқ хўжалигига экинларни диверсификациялашда хориж тажрибаларидан келиб чиқиб, уларнинг айрим аҳамиятли жиҳатларини

республикамиз фермер хўжаликлари фаолиятида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, хусусан:

- фермер хўжаликларининг паст рентабелли қишлоқ хўжалиги экинларини босқичма-босқич камайтириш ҳисобига юқори қийматли қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришни кўпайтириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланган, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришган, экинларни диверсификациялаш орқали даромад йўналишларини кенгайтирган фермер хўжаликларини иқтисодий рағбатлантириб бориш;
- қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификация қилиш фермер хўжаликлари учун иқлим ва бошқа хавфларни бошқариш стратегияси ҳамда кичик ишлаб чиқариш тизимида тижорат қишлоқ хўжалигига ўтиш учун муҳим қадам ҳисобланади (Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Канада ва Бразилия тажрибалари).

# П-БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

## 2.1-§ Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳозирги ҳолати

Ушбу диссертация ишида тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилояти танлаб олинди. Шунингдек, тадқиқот ишида республикамиздаги вилоятлар кесимида диверсификация даражасини аниқлаш мақсадида, давлат статистика қўмитасининг кўп йиллик панел маълумотларидан ҳам фойдаланилди. Самарқанд вилояти Зарафшон дарёси ҳавзалари бўйида жойлашган, республикамизнинг саноат ва иқтисодиёти ривожланган вилоятларидан бири ҳисобланади. Самарқанд вилояти республикамизнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, шимоли-шарқда Жиззах вилояти, шимоли-ғарбда Навоий вилояти, жануби-шарқда Тоҷикистон Республикаси ва жанубда Қашқадарё вилоятлари билан чегарадош худудларда жойлашган.

Вилоятнинг умумий ер майдони 1677,3 минг гектарни ташкил этиб, вилоятда жами 14 та туман ва 11 та шаҳар мавжуд<sup>68</sup> (2.1-расм). Самарқанд вилояти аҳоли сони кўплиги жиҳатдан ҳам республикамизда юқори ўринларда туради. Ҳозирги кунда вилоятнинг доимий аҳолиси сони 3 947,7 минг кишини ташкил этади ва шундан 1458,7 минг киши (36,9 фоиз) шаҳарларда ҳамда 2489,0 минг киши (63,1 фоиз) қишлоқ жойларида истиқомат қилишади<sup>69</sup>. Шу билан бирга, Самарқанд вилояти жами аҳолиси республикамиз жами аҳоли сонининг 11 фоиздан ортиқроғини ташкил этади<sup>70</sup>. Самарқанд вилояти республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган худудларидан бири ҳисобланади. Вилоятнинг 2021 йилнинг ўтган олти ойи якунлари бўйича ялпи худудий маҳсулоти ҳажми 19 триллион

---


<sup>68</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, 2021 йил.

<sup>69</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, 2021 йил.

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари, 2021 йил.

320 миллион сўмни ташкил этиб, аҳоли жон бошига 4 миллион 875 минг сўмдан тўғри келмоқда.

Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,9 фоизга ўсган<sup>71</sup>.




## 2.1-расм. Самарқанд вилоятининг худудий харитаси<sup>72</sup>

Ўтган йилларда бўлган ўзгаришларга қарайдиган бўлсак, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи худудий маҳсулот ўртача 10 831,7 минг сўмдан тўғри келган (2.2-расм). Ушбу расмдан кўришимиз мумкинки, вилоятда 2010-2020 йиллар давомида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи худудий маҳсулот қиймати доимий равишда ўсиб келган.

Вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсишида қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳам ўрни бекиёсdir. Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган умумий экин майдони 434 минг гектардан ортиқроқ бўлиб, шундан 252 мингдан зиёдроқ гектари суғориладиган экин майдонлари ва 182 минг гектари лалми ерлар ҳисобига тўғри келади.

<sup>71</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, 2021 йил.

<sup>72</sup> ArcGIS дастури ёрдамида муаллиф ишланмаси.



**2.2-расм. Самарқанд вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯМХ) ҳажми қўрсаткичлари, млн. сўмда<sup>73</sup>**

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, вилоятда сугориладиган майдонларнинг улуши лалми майдонларга нисбатан кўпроқ бўлиб, ушбу сугориладиган майдонларда пахта, ғалла, сабзавот ва бошқа экинлар етиштирилади. Шунингдек, кўп йиллик дараҳтлар, боғлар ва мевалар майдони ҳам сезиларли улушни ташкил этади.

Табиийки, сугориладиган майдонларнинг улуши кўплиги нуқтаи-назаридан вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасида сувга бўлган талаб ҳам юқори саналади. Шу боис ҳам, сугориш тизимларини самарали бошқаришни талаб этади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий сув манбалари бўлган Сирдарё, Амударё ва Зарафшон дарёлари ҳисобланади.

Самарқанд вилояти Зарафшон дарёси ҳудудида жойлашган бўлиб, вилоят кўпгина қишлоқ хўжалиги ерларини сугоришда ушбу дарё сувидан

<sup>73</sup> Самарқанд вилояти статистика бошкармаси маълумотлари, 2021 йил.

фойдаланади. Зарафшон дарёсининг умумий узунлиги 781 км бўлиб, дарё ўзанининг бошланиш нуқтаси Тожикистон Республикасига тўғри келади<sup>74</sup>.

## 2.1-жадвал

### Самарқанд вилоятида 2020 йилда ер майдонларининг таркиби (гектар)<sup>75</sup>

Таркиби	Майдони, га
1. Экин майдони, жами	434890
• Суғориладиган	252753
• Лалми	182137
2. Кўп йиллик дaraohтлар	61372
• Боғлар	22624
• Узумзорлар	30279
• Резаворлар	8257
• Мева ва бошқа қўп йиллик дaraohтлар	212

Вилоятнинг кўпгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари Зарафшон дарёсидан суғорилиши, уларнинг асосий сув истеъмол манбаи ушбу дарёдан эканлигини англаатади.

Вилоятининг табиий-иклим жароитлари қулайлиги ва тупроқнинг унумдорлиги, қишлоқ хўжалигига турли хил экинларни етиштириш имконини беради<sup>76</sup>. Самарқанд вилояти туманларини табиий иклим шароитларидан келиб чиқиб, учта агро-экологик худудларга, жумладан, Зарафшон дарёсининг юқори, ўрта ва куйи бўғинларида жойлашган худудларга бўлиш мумкин<sup>77</sup> (2.2-жадвал).

<sup>74</sup> UNDP Report, Technical Report on the Zarafshan Basin, UNDP, Tashkent, 2007.

<sup>75</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, 2021 йил.

<sup>76</sup> Hasanov, Sh. (2016): Agricultural policies to enhance the development of fruit and vegetable subsectors in Uzbekistan. European Scientific Journal, vol. 12 (13), May 2016. <http://dx.doi.org/10.19044/esj.2016.v12n13p479>.

<sup>77</sup> Hasanov, S., & Ahmed, M. N. (2011). Agricultural efficiency under resource scarcity in Uzbekistan: A data envelopment analysis. Business and Economic Horizons, (04), 81-87.

### Самарқанд вилоятидаги ҳудудларнинг агро-экологик тавсифи<sup>78</sup>

Туманлар	Агро-экологик ҳудуд	Етиштириладиган асосий қишлоқ хўжалиги экинлари
Булунғур	Зарафшон дарёсининг юқори бўғини	Буғдой, картошка, сабзавот, мева, узум, озиқа экинлари ва тамаки
Ургут		
Тайлоқ		
Самарқанд		
Жомбой		
Пайариқ	Зарафшон дарёсининг ўрта бўғини	Пахта, буғдой, сабзавот
Оқдарё		
Иштихон		
Пастдарғом		
Каттақўрғон	Зарафшон дарёсининг қўйи бўғини	Пахта, донли экинлар, узум ва кунгабоқар
Нарпай		
Пахтачи		

Булунғур, Жомбой, Ургут, Тайлоқ ва Самарқанд туманлари Зарафшон дарёсининг юқори бўғинида жойлашган ҳудудлар ҳисобланиб, сув таъминоти яхши даражада таъминланган. Ушбу туманлар давлат буюртмаси асосида пахта етиштиришдан тўлиқ озод қилинган ва асосий экин тури буғдойдан ташқари бошқа донли экинлар, картошка, сабзавотлар, мевалар, узум, тамаки ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳисобланади<sup>79</sup>.

Зарафшон дарёсининг ўрта бўғинида жойлашган ҳудудларга Пайариқ, Оқдарё, Пастдарғом ва Иштихон туманлари киради. Ушбу туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан асосан пахта, буғдой ва сабзавотлар етиштирилади. Ушбу ҳудудларда жойлашган фермер хўжаликлари нисбатан катта экин майдонларига эга ҳисобланиб, давлат

<sup>78</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>79</sup> Sanaev, G., Kim K. (2017): Analysis of Technical Efficiency of Tomato Production in Samarkand region, Uzbekistan. JRSD-26, 247-271.

буортмаси асосида ғалла ва пахта экинларини кўпроқ етиширади<sup>80</sup>. Шунингдек, ушбу туманларда ҳам сув таъминоти етарли даражада бўлса ҳам, айрим фермер хўжаликлари томонидан қўшимча ирригация тармоқларидан фойдаланиш ҳолатларини учратиш мумкин.

Зарафшон дарёсининг қуи бўғинларига Каттақўрғон, Нарпай ва Пахтачи туманлари киради. Бу туманларда фермер хўжаликлари томонидан кўпроқ пахта, донли экинлар, узум ва кунгабоқар каби экинлар етиширилади. Каттақўрғон, Нарпай ва Пахтачи туманлари Зарафшон дарёсининг энг қуи қисмларида жойлашганлиги учун қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш таъминотида етишмовчиликлар ёки узилишлар тез-тез учраб туради<sup>81</sup>. Шунингдек, вилоятда қишлоқ хўжалиги асосан лалми ер майдонлари ҳиссасига тўғри келадиган Нуробод ва Қўшработ туманлари ҳисобланади. Ушбу туманларда фермер хўжаликлари асосан ғаллачилик, узумчилик (ер ток) ва чорвачилик билан шуғулланади<sup>82</sup>.


Самарқанд вилояти республикамиздаги катта ҳажмдаги суғориладиган майдонга эга вилоятлардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида пахта майдонлари қисқартирилиб, унинг ўрнига юқори қийматли бошқа экин турлари, жумладан, сабзавотлар, картошка, полиз ва бошқа турдаги (маккажўхори, кунгабоқар, озиқабоп экинлар ва б.ш.) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонлари кенгайтирилди (2.3-расм). Юқоридаги расмдан шуни кўришимиз мумкинки, республикамиз ҳукумати томонидан 2008 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялашга алоҳида эътибор қаратила бошлагандан сўнг<sup>83</sup>, мева ва сабзавот экин майдонлари ҳажми сезиларли даражада ошганлигини кўришимиз мумкин

<sup>80</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

<sup>81</sup> Таджиев А. Ер-сув ислоҳотлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ўзаро кооперация муносабатларини иқтисодий баҳолаш (Самарқанд вилояти мисолида). дисс...авт. и.ф.н – Тошкент, 2020 й.

<sup>82</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

<sup>83</sup> Bobojonov I. et al. (2012) Crop Diversification in Support of Sustainable Agriculture in Khorezm. In: Martius C., Rudenko I., Lamers J., Vlek P. (eds) Cotton, Water, Salts and Sooms. Springer, Dordrecht. [https://doi.org/10.1007/978-94-007-1963-7\\_14](https://doi.org/10.1007/978-94-007-1963-7_14)



**2.3-расм. Самарқанд вилоятида 2010-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ўзгариш динамикаси, минг гектар<sup>84</sup>**

Ўз навбатида пахта майдонларининг ҳам сезиларли даражада камайганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 2010 йилда пахта майдони вилоят миқёсида 99172 гектарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 72675 гектарни ташкил қилганлигини, яъни 2010 йилга нисбатан 26754 гектарга ёки 8 фоизга қисқарганлигини кўриш мумкин<sup>85</sup>.

Вилоятда пахта майдонларининг қисқаришига яна бир асосий сабаблардан бири, 2014 йилдан бошлаб вилоятнинг Жомбой туманидан (шунингдек, Асака-Андижон вилояти, Янгийўл-Тошкент вилояти) пахта етиширишдан озод қилинганлиги ҳисобланади<sup>86</sup>. Жомбой туманини пахтадан озод қилишнинг бир нечта сабабларини келтиришимиз мумкин. Мисол учун, туманнинг иқлими ва тупроқ шароити кўпроқ сабзавот етиширишга мослиги, туман Зарафшон дарёси бўйида жойлашганлиги учун


<sup>84</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>85</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>86</sup> Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. Тошкент. 2015 йил 17 январ.

сув ресурслари етарли даражада эканлиги, шу билан бирга, туман шаҳар марказидан унчалик узоқда жойлашмаганлиги, бу эса маҳсулотларни ташишда транпорт харажатларини камайтириши ҳамда маҳсулотларни сақлаш учун сақлаш омборхоналарининг мавжудлигидир. Шунингдек, вилоятда барча турдаги мева ва сабзавотлар ҳажми ҳам сезиларли даражада ортганлигини кўришимиз мумкин. 2010 йилга нисбатан мева ва сабзавот экин майдонлари ҳажми 3 ва 9 фоизга мос равишда ортганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, Самарқанд вилоятининг аксарият туманларида бундай экинларни етиштириш учун жуда қулай шароит мавжуд.

Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асосий ишлаб чиқарувчилар бўлиб, фермер хўжаликлари ва дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари гавдаланади. Уларни биз қишлоқ хўжалигининг асосий драйверлари деб ҳисоблашимиз мумкин.




**2.4-расм. Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар улуши, % да<sup>87</sup>**

Республикамиз қишлоқ хўжалиги йўналишида 2010-2020 йилларда фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) ислоҳотлари натижасида ҳозирги кунда вилоят

<sup>87</sup> Самарқанд вилояти статистика бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

миқёсида 12 мингдан зиёдроқ фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Самарқанд вилоятида етишириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибида дехқон хўжаликлари (шахсий ёрдамчи) ҳиссаси юқорироқ ҳисобланади. Вилоятда барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишда дехқон хўжаликлари (шахсий ёрдамчи) нинг ўрни 61,8 фоиз, фермер хўжаликлари 35,1 фоиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари 3,1 фоиз улушларга эга эканлигини кўришмиз мумкин (2.4-расм).

2.5-расмдан кўриниб турибдики, 2020 йилда фермер хўжаликларининг улуши 2010 йилга нисбатан 8,1 фоизга камайганлигини, умумий олиб қаралганда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши фермер хўжаликларига нисбатан охирги уч йилда сезиларли даражада ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин.




**2.5-расм. Самарқанд вилоятида 2010-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар улуси, % да<sup>88</sup>**

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича ҳам республикамизда юқори ўринларида туради. Сўнгги

<sup>88</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

йилларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида вилоятда мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини етиштириш бирмунча ўсишга эришди. Бунинг натижасида вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили ҳажми ҳам ошди.

2.6-расмда тасвириланганидек, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, сабзавот, картошка ва мева етиштириш охирги йилларда жадал суръатларда ўсиб бораётганлгини кўриш мумкин. 2018 йилда қишлоқ хўжалигида кузатилган қурғоқчилик ва ноқулай иқлим шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳосилига ўзининг салбий таъсирини ўтказди ва ўша йилда сезиларли даражада пасайиш кузатилди.



**2.6-расм. Самарқанд вилоятида 2010-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили ўзгариш динамикаси, (минг тонна)<sup>89</sup>**

Умумий олиб қаралганда, Самарқанд вилояти республикамизнинг дехқончилик ривожланган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб

<sup>89</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

чиқаришда етакчи вилоятларидан бири саналади. Шу мақсадда, тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилояти танланди.

Самарқанд вилоятини тадқиқот объекти сифатида танлашимизга асосий сабаблардан бири бу, шу қунгача вилоят миқёсида “фермер хўжаликларининг буғдой, помидор ва картошка экинларини етиштириш бўйича самарадорлиги ва ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича”<sup>90</sup> бир қанча тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялаш ва унинг фермер хўжаликлари даромадига таъсирини баҳолаш борасидаги масалалар етарлича тадқиқ этилмаган. Диссертация ишида Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Тойлок, Оқдарё ва Пайариқ туманларида жойлашган фермер хўжаликлари тадқиқот объекти сифатида танланиб, эмпирик таҳлиллар асосида ўрганилди.

## **2.2-§ Қишлоқ хўжалигида экинлар диверсификацияси даражасининг хозирги ҳолати ва мезонлари**

Ўзбекистоннинг қуладай табиий-иклим шароити турли хил қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш имконини беради. Мустақилликдан кейин қишлоқ хўжалигида олиб борилган ислоҳотлар натижасида давлат буюртмаси асосида етиштириладиган пахта ва ғалла маҳсулотлари қишлоқ хўжалигидаги 70 фоиз экин майдонларини қамраб олди<sup>91</sup>. Кейинчалик, мамлакат ҳукумати томонидан паст рентабелли пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига қишлоқ хўжалигида юқори қийматли сабзавот, узум

---

<sup>90</sup> Sherzod, Babakhov, Kyung-Ryang Kim, and Sang H. Lee 2018. "Agricultural Transition and Technical Efficiency: An Empirical Analysis of Wheat-Cultivating Farms in Samarkand Region, Uzbekistan" Sustainability 10, no. 9: 3232. <https://doi.org/10.3390/su10093232>; Sanaev, G., Kim K. 2017. Analysis of Technical Efficiency of Tomato Production in Samarkand region, Uzbekistan. JRSD-26, pages 247-271.; Reddy J.M., Jumaboev K, C.Carli. Bobojonov I., Eshmuratov D. (2016). Yield and Water Use Efficiency of Potato Varieties under Different Soil-Moisture Stress Conditions in Fergana Valley of Central Asia. Agro ecology and Sustainable Food Systems. Vol.40, No.5, 407-431, <http://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/21683565.2016.1141145>.

<sup>91</sup> Bobojonov, I., Lamers, J. P. A., Bekchanov, M., Djanibekov, N., Franz-Vasdekij, J., Ruzimov, J., & Martius, C. (2013). Options and constraints for crop diversification: A case study in sustainable agriculture in Uzbekistan. Agroecology and Sustainable Food Systems, 37(7), 788e811. <http://doi.org/10.1080/21683565.2013.775539>.

ва мевали дарахтлар экин майдонларини кўпайтириш ҳисобига фермер хўжаликлари экинларини диверсификациялаш ишлари олиб борилди<sup>92</sup>.

Қишлоқ хўжалигидаги экин майдони ўзгариш динамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2010 йилда жами қишлоқ хўжалиги экин майдони 3708,4 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 3396,1 минг гектарга ёки 8,4 фоизга камайган (2.3-жадвал). Таҳлил қилинган йилларда, пахта экиладиган майдон 1342,5 минг гектардан 1062,3 минг гектарга (20,9 фоиз) ҳамда донли экинлар майдонлари 1679,4 минг гектардан 1646,2 минг гектарга (2,2 фоиз) қисқарган. Ўз навбатида, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига картошка маҳсулотларига ажратилган майдон 31,9 фоизга, сабзавот майдонлари – 32,2 фоизга, полиз экинлари – 27,5 фоизга, мева майдонлари – 49,9 фоизга кенгайтирилган.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан фермер хўжаликлари самарадорлиги ва даромадини янада ошириш мақсадида 2015 йилдан кейин пахта ва ғалла майдонлари ўрнида бошқа экин турларини диверсификациялаш масаласи асосий вазифага айланди ва фермер хўжаликлари сони яна кўпайтирилди<sup>93</sup>. Бундан ташқари, мамлакатнинг янги ҳукумати анъанавий экин турлари ҳосилдорлигини ошириш баробарида мева-сабзавотлар ва бошқа юқори қийматли экинларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйди. Қайд этиш лозимки, қишлоқ хўжалик экинлари умумий майдонининг йилдан-йилга пасайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта ва буғдойдан ташқари) ҳажмининг ортишига таъсир этмаган.

---

<sup>92</sup> Bobojonov, I., Teuber, R., Hasanov, Sh., Urutyan, V., Glauben, Th. (2016). Farmers' export market participation decisions in transition economies: a comparative study between Armenia and Uzbekistan. Development Studies Research 3 (1): 25-35.

<sup>93</sup> Petrick, Martin; Djanibekov, Nodir (2019): Ўзбекистонда фермер хўжаликлари реструктуризацияси: Истиқболдаги вазифалар, IAMO Policy Brief, No. 36u, ISBN 978-3-95992-076-6, Leibniz Institute of Agricultural Development in Transition Economies (IAMO), Halle (Saale).

## 2.3 - жадвал

### Қишлоқ хўжалик экинлари майдонининг ўзгариш динамикаси (минг гектар)<sup>94</sup>

Йиллар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2010 йилга нисбатан, %
Жами экин майдони	3708,4	3601,6	3628,1	3658,6	3678,2	3694,2	3706,7	3474,5	3396,0	3309,4	3396,1	91,6
Шу жумладан:												
Пахта	1342,5	1329,2	1308,3	1308,8	1301,5	1298,1	1265,1	1201,2	1108,2	1050,6	1062,3	70,9
Дон	1679,4	1607,4	1628,1	1643,9	1655,6	1671,1	1689,4	1655,6	1643,2	1578,3	1646,2	97,8
Картошка	70,7	73,6	76,1	78,3	80,3	80,6	84,6	78,7	86,8	89,6	93,3	131,9
Сабзавот	173,0	175,4	183,8	189,4	192	194	206	189,7	219	220,0	228,8	132,2
Полиз екинлари	47,9	45,9	53,7	50,6	51,5	52,0	58,8	52,3	52,6	53,4	61,1	127,5
Мева	235,3	244,3	119,7	254,6	261,9	266,4	279,6	271,6	319,2	336,6	352,8	149.9
Узум	127,9	127,1	126,9	127,8	128,9	128,3	131,2	114,5	113,3	120,2	128,2	100,2

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аксинча, дәхқончиликда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши натижасида уларга ажратилаётган экин майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид тадбирларни амалга ошириш эвазига асосий турдаги экинларнинг ялпи ҳосили муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Жумладан, 2020 йилда бошоқли дон ишлаб чиқариш 7636,0 минг тоннани (2010 йилга нисбатан 1,7 фоиз), сабзавот ишлаб чиқариш 10431,4 минг тоннани (66,6 фоиз), картошка 3143,8 минг тоннани (85,5 фоиз), полиз маҳсулотлари 2134,4 минг тоннани (80,5 фоиз), мевалар 2752,7 минг тоннани (65,9 фоиз), узум етиштириш 1606,9 минг тоннани (64,1 фоиз) ташкил қиласланлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг амалий натижасидир (2.4-жадвал).

Республикамиз қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштириш борасида фермер хўжаликлари асосий драйверлардан бири ҳисобланганлиги боис, 2017 йилга келиб мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотлар натижасида жами 100 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолияти ташкил этилди ва уларга 5809,6 минг гектар ер майдони бириттирилди. Мазкур хўжаликларда 1245,0 мингдан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланиб, улар томонидан жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 35 фоизига яқини етиштирилганлигини кўришимиз мумкин<sup>95</sup>.

Шунингдек, сўнгти 2016-2020 йилларда республика бўйича жами 330,5 минг гектар паст рентабелли пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, ушбу майдонларда юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 2016-2020 йилларда сабзавот ишлаб чиқариш ҳосили – 103 фоиз, картошка – 114 фоиз, полиз экинлари – 110 фоиз, дуккакли маҳсулотлар - 3,6 баробар, мойли экинлар – 240 фоиз, чорва озуқаси – 191 фоиз, мева - 107,4 фоиз ва узум – 106 фоизга ўсди<sup>96</sup>.

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

## 2.4 - жадвал

### Ўзбекистон Республикасида деҳқончиликда асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш динамикаси (минг тонна)<sup>97</sup>

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2010 йилга нисбатан, %
Пахта	3404,0	3500,0	3460,1	3361,2	3400,2	3361,3	2959,0	2853,9	2293,0	2691,7	3064,0	90,0
Дон	7504,3	7140,7	7519,5	7807,8	8050,5	8173,5	8261,3	7288,5	6535,5	7437,8	7636,0	101,7
Картошка	1694,8	1855,1	2036,3	2216,5	2399,2	2586,8	2789,5	2793,7	2911,9	3089,7	3143,8	185,5
Сабзавот	6262,4	6828,8	7459,1	8087,9	8753,9	9390,0	10184,0	10219,9	9760,3	10215,1	10431,4	166,6
Полиз маҳсулотлари	1182,4	1294,8	1418,4	1558,3	1696,1	1853,6	2044,9	2031,0	1837,0	2068,7	2134,4	180,5
Мевалар	1676,3	1820,6	1981,7	2143,9	2306,5	2467,9	2612,9	2614,9	2706,2	2752,7	2782,5	165,9
Узум	979,3	1072,1	1179,9	1294,0	1397,0	1518,2	1613,1	1625,5	1589,8	1603,3	1606,9	164,1

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2016-2020 йилларда ўзлаштирилган ва лалми, пахта ва ғалладан қисқартирилган ерларга ҳамда яроқсиз боғ-токзорлар ўрнига жами 69,6 минг гектар майдонда интенсив мевали боғлар ва 57 минг гектар токзорлар барпо этилди. 2021 йилнинг баҳор мавсумида 63,8 минг гектар (2016 йилга нисбатан 11 баробар кўп) мевали боғлар ва 37,5 минг гектар токзорлар (7 баробар кўп) барпо этилган<sup>98</sup>.

Шу билан бирга, хукumat томонидан 2017-2020 йилларда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами 3,2 минг гектар майдонда замонавий типдаги иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиб, иссиқхоналар майдони 4,8 минг гектарга етказилди. 2021 йилда 746 та ташаббускорлар томонидан 2,3 минг гектар, 2020 йилга нисбатан 2,5 баробар кўп майдонда замонавий типдаги иссиқхоналарни ишга тушириш белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар 590 гектар майдонда 290 та замонавий иссиқхоналар ишга туширилган<sup>99</sup>.

Ушбу тадқиқот ишида кўп йиллик панел маълумотлар (2010-2020 йиллар) асосида вилоятлар кесимида республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари мисолида диверсификация даражасини ҳисоблаш таҳлиллари амалга оширилди. 1-бобнинг 1.2-параграф 1.2-жадвалида берилганидек, диверсификация даражасини турли усуслар орқали ҳисоблаш мумкин. Ушбу берилган ҳар бир усулнинг ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиқиб, ҳисоблашларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Тадқиқот жараёнида маълумотларни эмпирик таҳлил қилишда Симпсон диверсификация иқдекси (Simpson Diversification Index - SDI) усулидан фойдаланилди. Шунингдек, маълумотлар таҳлили Стата-16 (Stata-16) статистик дастурий таъминотидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди. Симпсон диверсификация даражаси (SDI) 1-бобнинг 1.2-параграф 1- ва 2-формулаларга асосланиб ҳисоблаб топилди.

---

<sup>98</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Бунда, диверсификация даражаси 0 ва 1 қийматлар оралиғида чегараланади, яғни  $[0 \leq SDI \leq 1]$  күринишида берилади. Агар диверсификация даражаси 1 қийматга яқин даражада ифодаланса, фермер хұжаликтерінің майдонлари түлиқ диверсификациялашғанligini, аксинча диверсификация даражаси 0 қийматга яқин даражада ифодаланса, монокультуралық түлиқ битта әртүрлі турига ихтисослашғанligini күрсатади<sup>100</sup>.

Шунингдек, тадқықот иши давомида республиканинг барча вилоятлари учун ўн бир йил давомида (2010-2020 йиллар) фермер хұжаликтерінің майдонидан әкілгандық қишлоқ хұжалик әкінлары бүйіч маълумотлардан фойдаланды. Ушбу әкінларға донли әкінлар (буғдой, арпа, гуруч), дуккаклиар (ловия ва дуккакли), пахта, картошка, зираворлар, сабзавотлар ва бошқа техник әкінлар киради. Шу билан бирга, мавжуд адабиёттегі тәжірибелі асосида әкінларни диверсификациялашни тоифаларға ажратып таснифи ишлаб чиқылды (2.5-жадвал).

## 2.5-жадвал

### Қиймат бүйіч әкінлар диверсификациясынинг тоифаланиши<sup>101</sup>

Тоифалари	SDI қиймати
Диверсификация қилинмаган	$\leq 0,01$
Паст даражадаги диверсификация	0,01 – 0,25
Үрта даражадаги диверсификация	0,26 – 0,50
Юқори даражадаги диверсификация	0,51 – 0,75
Түлиқ даражадаги диверсификация	$> 0,75$

Яғни, агар хисобланған “диверсификация даражаси” (Diversity Index)нинг қиймати 0,01 дан кічиқ болса фермер хұжалиғы фаолияти умуман диверсификациялашмаган; агар қиймат 0,01 ва 0,25 оралиғида болса паст

<sup>100</sup> Simpson, E. H. (1949). Measurement of diversity. Nature, 163, page 688.

<sup>101</sup> Адабиёттегі тәжірибелі асосида муаллиф ишланғаси.

даражада диверсификациялашган; агар қиймат 0,26 ва 0,50 оралиғида бўлса ўрта даражада диверсификациялашган; агар қиймат 0,51 ва 0,75 оралиғида бўлса юқори даражада диверсификациялашган; агар қиймат 0,75 дан катта бўлса тўлиқ даражада диверсификациялашган ҳисобланади.

Юқоридаги 1- ва 2-формулаларга асосан “диверсификация даражаси” (Diversity Index) қуйидаги тартибда ҳисобланади, яъни бунда фермер хўжаликлари томонидан экилган ҳар бир экин турининг майдони (масалан, буғдой, пахта ва бошқалар) уларнинг умумий экинлар майдонларига бўлинниб, квадратга олинади. Олинган натижани бирдан айриш орқали даражас қиймати ҳисоблаб топилади.

Ҳар бир вилоят кесимида фермер хўжаликлари томонидан экилган қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича ҳисобланган “Симпсон диверсификация индекси” (Simpson Diversity Index) даражалари қуйидагича ҳисобланди<sup>102</sup>:

- 1)  $A_1 = \text{Буғдой майдони} = 13465,1$
- 2)  $A_2 = \text{Пахта майдони} = 13626,4$
- 3)  $A_3 = \text{Бошқа донли экинлар} = 7179,9$
- 4)  $A_4 = \text{Картошка майдони} = 154$
- 5)  $A_5 = \text{Сабзавотлар майдони} = 680,6$
- 6)  $A_6 = \text{Полиз экинлари майдони} = 281,3$
- 7)  $A_7 = \text{Озиқбон экинлар} = 2473,6$
- 8)  $A_8 = \text{Мевалар майдони} = 1762,3$
- 9)  $A_9 = \text{Узум майдони} = 891,7$



$$A_{sum} = \text{Жами экин майдони}^{103} = 13465,1 + 13626,4 + 7179,9 + 154 + 680,6 + 281,3 + 2473,6 + 1762,3 + 891,7 = 33122,2$$

<sup>102</sup> Берилган кўрсаткичлар вилоятлар кесимида факат фермер хўжаликлари экин майдонларини ҳисобга олган холда амалга оширилди.



$$1) P_1 = \frac{13465,1}{33122,2} = 0,41$$

$$2) P_2 = \frac{13626,4}{33122,2} = 0,41$$

$$3) P_3 = \frac{7179,9}{33122,2} = 0,22$$

$$4) P_4 = \frac{154}{33122,2} = 0,005$$

$$5) P_5 = \frac{680,6}{33122,2} = 0,021$$

$$6) P_6 = \frac{281,3}{33122,2} = 0,008$$

$$7) P_7 = \frac{2473,6}{33122,2} = 0,074$$

$$8) P_8 = \frac{1762,3}{33122,2} = 0,053$$

$$9) P_9 = \frac{891,7}{33122,2} = 0,027$$



$$SDI = 1 - (0,41^2 + 0,41^2 + 0,22^2 + 0,005^2 + 0,021^2 + 0,008^2 + 0,074^2 + 0,053^2 + 0,027^2)$$

2.6-жадвалда 1-, 2- ва 3-босқичлар билан ҳисобланган вилоятлар кесимида диверсификация даражаси күрсаткичларини “Симпсон диверсификация индекси” (Simpson Diversity Index) усули ёрдамида аниқланган натижалари тасвирланган. Вилоятларнинг йиллар бўйича алоҳида аниқланган диверсификация даражаси кўрсаткичлари график ва жадвал кўринишларида иловалар қисмида берилган.

---


<sup>103</sup> Ҳар бир экин турининг майдони “минг гектар” ҳисобида берилган.

**Диверсификация даражасининг 2010-2020 йиллар учун статистик тавсифи<sup>104</sup>**

<b>Вилоятлар</b>	<b>Кузатувлар сони, йиллар</b>	<b>Стандарт оғиши</b>	<b>Мин.</b>	<b>Үртача</b>	<b>Мак.</b>
Андижон	2010-2020	0,02	0,66	0,70	0,71
Бухоро	2010-2020	0,01	0,63	0,64	0,66
Жиззах	2010-2020	0,02	0,58	0,62	0,66
Фарғона	2010-2020	0,03	0,69	0,73	0,77
Қорақалпоғистон	2010-2020	0,04	0,62	0,65	0,73
Қашқадарё	2010-2020	0,03	0,64	0,67	0,72
Хоразм	2010-2020	0,01	0,67	0,68	0,71
Наманган	2010-2020	0,02	0,69	0,71	0,73
Навоий	2010-2020	0,05	0,59	0,64	0,68
Самарқанд	2010-2020	0,03	0,71	0,74	0,76
Сирдарё	2010-2020	0,05	0,58	0,59	0,63
Сурхандарё	2010-2020	0,03	0,67	0,66	0,73
Тошкент	2010-2020	0,01	0,74	0,76	0,77

2.7-расмда акс эттирилганидек, 2010-2020 йиллар мобайнида вилоятлардаги фермер хўжаликларининг үртача диверсификация даражаси кўрсаткичи Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бошқа вилоятларга қараганда юқорироқ эканлигини кўриш мумкин (0,76, 0,74 ва 0,73 мос равища). Бундан шуни айтишимиз мумкинки, ушбу вилоятларда фермер хўжаликлари томонидан фақатгина бир ёки икки турдаги экин турлари эмас, балки турли экинлар ҳам нисбатан қўпроқ майдонларда этиштирилган.

<sup>104</sup> Тахлиллар асосида муаллиф ишланмаси.



**2.7-расм. 2010-2020 йилларда вилоятлар кесимида диверсификация даражасининг ўртача кўрсаткичи<sup>105</sup>**

Шунингдек, олинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, диверсификация даражаси кўрсаткичи Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан пастроқ кўрсаткични ифодаламоқда (0,64, 0,62 ва 0,59 мос равища).

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республика бўйича 2010-2020 йилларда вилоятлар кесимида фермер хўжаликларининг ўртача диверсификация даражаси 0,67 га teng эканлиги аниқланди. Мамлакатимизда олиб борилган сўнгти ислоҳотлар натижасида ушбу кўрсаткич ўртачадан юқорироқ чиққанлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, ушбу кўрсаткични олдинги йиллар билан солиштирганда, республикамиз олимлардан И.Бобожонов<sup>106</sup> ва А.Каримов<sup>107</sup>лар томонидан

<sup>105</sup> Таҳлиллар асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>106</sup> Bobojonov, I., Lamers, J. P. A., Bekchanov, M., Djanibekov, N., Franz-Vasdekij, J., Ruzimov, J., & Martius, C. (2013). Options and constraints for crop diversification: A case study in sustainable agriculture in Uzbekistan. Agroecology and Sustainable Food Systems, 37(7), 788-811. <http://doi.org/10.1080/21683565.2013.775539>.

Хоразм ва Фарғона вилоятларида 1991-2007 йиллар учун вилоят статистика бошқармалари томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу вилоятлардаги ширкат ва фермер хўжаликлари учун диверсификация даражаси кўрсаткичи 0,60 ва 0,71, дехқон (шахсий) хўжаликлари учун эса 0,76 ва 0,81 оралиғида эканлиги таҳлиллар асосида аниқланган.

## 2.7-жадвал

### Диверсификация даражасининг 2010-2011, 2014-2015 ва 2019-2020

йиллар учун ўртача кўрсаткичи<sup>108</sup>

Вилоят	2010-2011 йил	2014-2015 йил	2019-2020 йил
	Диверсификация даражаси	Диверсификация даражаси	Диверсификация даражаси
Қорақалпоғистон	0,63	0,72	0,73
Андижон	0,65	0,69	0,72
Бухоро	0,64	0,64	0,68
Жиззах	0,58	0,65	0,68
Қашқадарё	0,65	0,71	0,62
Навоий	0,64	0,73	0,65
Наманган	0,70	0,75	0,69
Самарқанд	0,70	0,75	0,74
Сурхондарё	0,65	0,72	0,71
Сирдарё	0,59	0,68	0,64
Тошкент	0,74	0,76	0,75
Фарғона	0,70	0,76	0,71
Хоразм	0,68	0,71	0,69


2.7-жадвалда келтирилганидек, 2010-2020 йиллар мобайнида республикамиздаги барча вилоятлар кесимида фермер хўжаликлари диверсификация даражасини турли учта йиллар бўйича таҳлил қилганимизда

<sup>107</sup> Karimov, A. (2013): Productive Efficiency of Potato and Melon Growing Farms in Uzbekistan: A Two Stage Double Bootstrap Data Envelopment Analysis. Agriculture 2013, 3, 503-515; doi:10.3390/agriculture3030503

<sup>108</sup> Таҳлиллар асосида муаллиф ишланмаси.

Қашқадарё, Наманган ва Сирдарё вилоятларида пасайиш кузатилганлигини кўришимиз мумкин.

2.8-расмдан кўриниб турибдики, 2010-2020 йилларда республикамизнинг турли вилоятлардаги 46 фоиздан кўпроқ қисмига тўғри келадиган фермер хўжаликлари юқори даражадаги диверсификация даражасини акс эттирмоқда.



**2.8-расм. Фермер хўжаликлари диверсификация даражасининг тоифаланиш бўйича кўрсаткичи<sup>109</sup>, % да**

Бундан шуни англашимиз мумкинки, фермер хўжаликлари томонидан ушбу йилларда экинларни диверсификациялашга бўлган эътибор бир мунча ортгани ҳамда паст рентабелли пахта майдонлари қисқартирилиб, ўрнига сабзавот ва бошқа турдаги экинларнинг экилиши муҳим омиллардан ҳисобланади.

Шунингдек, таҳлил олиб борилган йилларда фақатгина 11 фоизга яқин фермер хўжаликлари ҳеч қандай турдаги экинларни диверсификация қилиш

<sup>109</sup> Тахлиллар асосида муаллиф ишланмаси.

билан шуғулланмаган ёки бошқача айтганда, фақат бир ёки икки турдаги экин турига ихтисослашган.

Холоса қилиб айтадиган бўлсак, экинларни диверсификациялаш фермер хўжаликларини нарх ва ишлаб чиқариш хатарларини юмшатишида асосий стратегиялардан бири ҳисобланиб, фермер хўжаликлари етиштирилган ортиқча маҳсулотларни сотиш орқали ўз даромадларини оширишга ва кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ёрдам беради. Фермер хўжаликлари даромадларини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида экинларни диверсификациялашни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ саналади. Шунингдек, экинларни диверсификация қилиш фермерларга ўз хўжаликларида турли хил экин турларини тўғри танлаш ва етиштиришни яхшилашга ёрдам беради. Шу билан бирга, экинларни диверсификациялаш ишчи кучидан самарали фойдаланишга ҳам ёрдам бериши мумкин.


### **2.3-§ Самарқанд вилоятида экинлар диверсификацияси иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг ҳозирги даражаси таҳлили**

Қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида фермер хўжаликларида экинларни диверсификациялашнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим устувор вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда, ушбу тадқиқот иши давомида Самарқанд вилоятидаги жами бешта туманда, жумладан, Булунғур, Жомбой, Пайарик, Оқдарё ва Тойлок туманларида фаолият олиб бораётган жами 302 та фермер хўжаликлари билан “юзма-юз сўровнома” усули ёрдамида 2020 йилдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида анкета-сўровлари ўтказилди.

Тадқиқот иши Германиянинг IAMO тадқиқот институти ва *Volkswagen Foundation* (*VolkswagenStiftung*) фондининг “IPReS-Марказий Осиёда иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат занжирини тадқиқ этиш ва олимлар салоҳиятини ошириш” илмий лойиҳаси доирасида 2021 йилнинг март ва апрель ойларида ўтказилди. Сўровнома жами 88 та саволдан иборат бўлиб,

унда фермер хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий, ишлаб-чиқариш ва бошқа қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ саволлар келтирилган.

Ушбу сўровномада тадқиқот обьекти сифатида танлаб олинган туманлар ва фермер хўжаликларининг географик жойлашуви 2.9-расмда тасвирланган.



**2.9-расм. Сўровнома ўtkазилган ҳудудлар ва фермер хўжаликларининг географик жойлашуви<sup>110</sup>**

Ушбу сўровнома ўтказилган Пайариқ ва Оқдарё туманларида фермер хўжаликлири ер майдонлари нисбатан каттароқ бўлиб, ғалла ва пахта кўпроқ майдонларни эгаллаган. Шунингдек, ушбу туманларда кисман сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Ушбу туманлар Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида жойлашганлигига қарамасдан, айrim ҳудудларида паст шўрланиш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин<sup>111</sup>.

<sup>110</sup> ArcGIS 10.3 дастури асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>111</sup> Таджиев А. Ер-сув ислоҳотлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ўзаро кооперация муносабатларини иқтисодий баҳолаш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация иши. – Тошкент, 2020 й.

Шу билан бирга, сўровнома олинган Булунгур, Жомбой ва Тойлоқ туманлари эса Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун жуда қулай иқлим шароитига эга ҳисобланади, айниқса картошка, помидор, узум ва мева-сабзавот етиштиришда вилоятнинг асосий ва илғор туманлари ҳисобланади.

Сўровнома олинган 302 та фермер хўжаликлари сони туманлар кесимида тақсимланди. 2.8-жадвалда келтирилганидек, сўровнома ўтказилган Самарқанд вилоятидаги туманларда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони бўйича Жомбой ва Оқдарё туманларида бошқа туманларга нисбатан кўпроқни ташкил этганлигини эканлигини кўришимиз мумкин.

## **2.8-жадвал**

### **Самарқанд вилоятидаги туманлардан сўровнома олинган фермер хўжаликлари сони<sup>112</sup>**

Туманлар	Булунғур	Жомбой	Тойлоқ	Оқдарё	Пайариқ
<b>Туманлардаги умумий фермер хўжаликлари сони</b>	451	1215	831	1592	615
<b>Сўровнома олинган фермер хўжаликлари сони</b>	62	72	78	42	48

Сўровнома олинган фермер хўжаликларининг жами фермер хўжаликлирга нисбатан қамров доирасини фоизда ифодаланган кўрсаткичларини 2.10-расмда кўришимиз мумкин.


Тадқиқотимизда олимлар томонидан ўрганилган фермер хўжалиги бошлиғининг ёши, фермерлик тажрибаси, фермер хўжалигида мавжуд активлари билан биргаликда қўшимча кўрсаткичлар ҳам таҳлилларда қамраб олинди.

Бунда эрксиз ўзгарувчи (асосий натижа) сифатида фермер хўжаликлари томонидан экилган экин майдонлари асосида ҳисобланган “Симсон диверсификация даражаси” 1.3-бобдаги (1) ва (2) формулалар ёрдамида

---

<sup>112</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

хисобланиб, таҳлилларда фермер хўжаликларининг “Диверсификация даражаси” кўрсаткичини ифодалайди.



**2.10-расм. Сўровнома олинган фермер хўжаликларининг қамров доираси<sup>113</sup>, % да**

2.9-жадвалдаги натижалардан шуни таъкидлаш жоизки, диверсификация даражасининг ўртacha кўрсаткичлари Булунғур, Оқдарё, Тойлок, Пайариқ ва Жомбой туманлари учун мос равишида 0,75, 0,59, 0,73, 0,53 ва 0,78 га тенг эканлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, сўровнома ўтказилган ушбу туманлар учун ўртacha диверсификация даражаси 0,64 га тенглиги таҳлиллар натижасида аниқланди. Ушбу олинган натижалар фермер хўжаликларининг диверсификация даражасига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда асосий эрксиз ўзгарувчи қийматларини ифодалайди.

Шунингдек, олиб борилган сўровнома натижаларига кўра, Пайариқ ва Оқдарё туманларида фермер хўжаликлири экин майдонларининг каттагина қисмини ғалла ва пахта эгаллаганлиги ва қисман сабзавотчилик билан шуғулланиши аниқланди.

<sup>113</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

**Самарқанд вилоятидаги сўровнома ўтказилган туманларда ўртача диверсификация даражаси кўрсаткичи<sup>114</sup>**

Вилоят	Туманлар	Куз.сони	Ўртача	Ст.оғиш	Мин	Мак
Самарқанд	Булунғур	62	0,75	0,12	0,45	0,89
	Оқдарё	42	0,59	0,18	0,29	0,84
	Тойлоқ	78	0,73	0,09	0,48	0,82
	Пайариқ	48	0,53	0,19	0,21	0,83
	Жомбой	72	0,78	0,13	0,46	0,92

Сўровнома маълумотлари асосида таҳлиллар шуни кўрсатди, ушбу туманлардаги фермер хўжаликларининг йиллик даромадида мева-сабзавот ва бошқа экинларнинг улуши 18,8 фоизни ташкил этди (2.10-жадвал).

2.10-жадвалдан яна шуни қўришимиз мумкинки, қолган учта туманда мева-сабзавотнинг улуши нисбатан юқори қўрсаткичларда ифодаланмоқда. Бу эса, ушбу ҳудудлардаги фермер хўжаликлари ўртасида экинларни диверсификациялаш бўйича амалиётлар яхшироқ эканлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, фермер хўжаликлари томонидан экинлар хилма-хиллигини жорий этишда етиштириладиган экин турининг қанчалик бозоргирлиги, харажатларни қўп талаб қиласлиги ҳамда узоқроқ муддатга саклаш имконияти мавжуд ёки йўқлиги каби омиллар муҳим саналади.

Ушбу нуқтаий назардан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари кесимида экинларни муносаб тарзда жойлаштириш ҳамда эркин тарзда экин турларини етиштириш қишлоқ хўжалигига экинлар диверсификациясини янада ривожлатиришнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

<sup>114</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

**Сўровнома ўтказилган туманлардаги фермер хўжаликларининг экин турлари ва мева-сабзавотнинг улуши бўйича кўрсаткичи<sup>115</sup>**

Туманлар	Ўртacha экин майдони (га)	Экин- лар сони	Махсулот турлари	Мева-сабзавот улуши (%)
Булунғур	24,43	7-10 гача	Буғдой, картошка, помидор, дуккаклилар, сабзавот, мевали боғ	48,0
Оқдарё	79,00	4 гача	Буғдой, пахта, помидор	18,0
Тойлок	23,56	7-8 гача	Буғдой, картошка, узум, дуккаклилар, мевали боғ, памидор	56,5
Пайариқ	52,67	4 гача	Буғдой, пахта, сабзовот	19,0
Жомбой	30,39	7-10 гача	Бугдой, макка, беда, дуккаклилар, мевали боғ, помидор, сабзавот	52,0

Чунончи, Жомбой туманида жойлашган ғалла-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган “Тимуржон файзли даласи” фермер хўжалиги томонидан 0,8 гектар майдонга эртаги (баҳорги) сабзи экилиб, ўртacha 220 ц/га ҳосил олинди ва 33,4 миллион сўм фойда олинди<sup>116</sup>.

Бу каби экинларни диверсификациялаш амалиёти фермер хўжалиги самарадорлигини, доимий пул маблағлари билан таъминланишини ҳамда зарур ҳолларда қўшимча ресурсларга эҳтиёж бўлганда уларни тўлдириб бориш имкониятини янада оширади. Хусусан, Жомбой ва Оқдарё туманларида олиб борилган монографик тадқиқотларда иштирок этган аксарият фермер хўжаликлиари давлат буюртмаси асосида экиласдиган кузги буғдой ва пахтадан ташқари картошка, помидор, сабзи, қизил ловия ва пиёз этиштириш орқали ҳам қўшимча даромад олишган (2.11 ва 2.12-жадваллар).

<sup>115</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>116</sup> Изоҳ 2: улгуржи бозордаги нархи 1900 сўм, 2020 йилги маълумотлари асосида хисобланди.

## 2.11-жадвал

### Жомбой туманидаги “Маъмуржон Исоқов” фермер хўжалигига экинларни диверсификациялашни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш (2020 йил маълумотлари)<sup>117</sup>

10 га учун

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Экинларни диверсификациялашдан олдин			Экинларни диверсификациялашдан кейин				
		Буғдой	Картошка	Помидор	Буғдой	Картошка	Помидор	Сабзи	Ловия
Экин майдони	га	8	1	1	5	1	1	1	2
Ҳосилдорлик	ц/га	42	200	300	50	230	300	450	25
Ялпи ҳосил	тонна	33,6	20	30	25	23	30	45	5
Харажатлар	минг.сўм	52055,2	45186	34124	32534,5	45186	34124	23887	19312
Даромад	минг.сўм	60480	70000	45000	45000	79120	51000	85500	55000
Фойда	минг.сўм	8424,8	24814	10876	12465,5	33934	16876	61613	35688
Рентабеллик	фоиз	16,2	54,9	31,9	38,3	75,1	49,5	257,9	184,8
Бир тоннани ўртacha сотиш баҳоси	минг.сўм	1800	3500	1500	1800	3440	1700	1900	11000
Умумий фойда	минг.сўм	<b>44114,8</b>			<b>160576,5</b>				
Иқтисодий самара	минг.сўм	<b>116461,7</b>							

<sup>117</sup> Монографик сўровнома маълумотларига асосан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шунингдек, экинларни диверсификациялаш амалиёти фермер хўжаликларида учрайдиган қайсиdir экин туридан келадиган зарарни бошқа бир экин тури билан қоплаб кетиш имкониятини беради ва бу фермер хўжалиги барқарорлигини янада оширади. Шунингдек, Самарқанд вилояти турли хил сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш учун қулай табиий иқлим шароитига эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

2.11-жадвалдаги маълумотдан кўриниб турибдики, “Маъмуржон Исоқов” фермер хўжалигига экинларни диверсификациялаш амалиётидан олдинги ҳолатда учта экин тури мавжуд бўлиб, ушбу экинлардан фермер хўжалиги томонидан умумий фойда миқдори 44114,8 минг сўмни ташкил этган.

Ушбу амалиётда ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига қизил ловия ва пиёз етиштиришни амалиётга жорий этиш орқали 3,6 марта кўпроқ фойда олишга ёки 116461,7 минг сўм кўпроқ иқтисодий самарага эришилди. Бу эса экинларни диверсификациялашнинг фермер хўжаликларига ижобий таъсирини намоён этмоқда.

Шу билан бирга, 2.12-жадвалда Оқдарё туманидаги пахта ва ғаллага ихтисослашган “Иқбол” фермер хўжалиги мисолида экинларни диверсификациялашни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш монографик тадқиқотлар орқали кўриб чиқилди.

Ушбу фермер хўжалигига экинларни диверсификациялашдан олдинги ҳолатда учта экин тури бўйича жами 45767,5 минг сўм фойда олинган бўлса, пахта ва ғалла майдонларини қисқартириб, баҳорги сабзи, пиёз ва булғор қалампири етиштиришни амалиётга жорий этиш орқали умумий фойда миқдори 358412,3 минг сўмгача етказиш мумкин.

Бунда, фермер хўжалигига экинларни диверсификациялаш орқали ўртacha 312644,8 минг сўм кўп иқтисодий самарага эришиши мумкинлиги асосланди.

## 2.12-жадвал

### Оқдарё туманидаги “Иқбол” фермер хўжалигида экинларни диверсификациялашни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш (2020 йил маълумотлари)<sup>118</sup>

30 га учун

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Экинларни диверсификациялашдан олдин			Экинларни диверсификациялашдан кейин					
		Бугдой	Пахта	Помидор	Бугдой	Пахта	Помидор	Сабзи	Пиёз	Булғор калампир
Экин майдони	га	15	14	1	10	10	2	4	2	2
Ҳосилдорлик	ц/га	42	27	350	48,3	32	350	30	450	300
Ялпи ҳосил	тонна	63	37,8	35	48,35	32	70	12	90	60
Харажатлар	минг.сўм	97853,5	120455	34124	69235,67	97650	68248	38624	47774	54356
Даромад	минг.сўм	113400	132300	52500	96700	121600	105000	132000	189000	90000
Фойда	минг.сўм	15546,5	11845	18376	27464,33	23950	36752	93376	141226	35644
Рентабеллик	фоиз	15,9	9,8	53,9	39,7	24,5	53,9	241,8	295,6	65,6
Бир тоннани ўртacha сотиш баҳоси	минг.сўм	1800	3500	1500	2000	3800	1500	11000	2100	1500
Умумий фойда	минг.сўм	45767,5			358412,3					
Иқтисодий самара	минг.сўм	312644,8								

<sup>118</sup> Монографик сўровнома маълумотларига асосан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шу билан бирга, сўровнома маълумотларига асосан фермер хўжаликлари раҳбарларига берилган бир нечта муҳим саволларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Унга кўра, фермерлар ўртасида экинларни диверсификациялашда кузатилаётган эҳтимолий тўсиқларни билиш тўғрисидаги саволга қўйидаги жавоб олинди (бир нечта жавоб вариантларини танлаш кўзда тутилган) (2.11-расм).




## **2.11-расм. Экинларни диверсификациялашда кузатиладиган эҳтимолий тўсиқлар<sup>119</sup>**

Сўровномада қатнашган респондентлар (фермер хўжаликлари раҳбарлари)нинг 35 фоизи экин турларини танлашда чеклов борлиги, 20 фоизи сақлаш жойларининг етишмаслиги, шу билан бирга 14.5 ва 16.5 фоизи эса мос равишда, кредит олишдаги қийинчиликлар ва барқарор бўлмаган сотиш нархларини алоҳида таъкидлаб ўтишиди.

Кейинги яна бир муҳим жиҳат фермер хўжалиги фаолиятида экинларни диверсификациялашдан асосий мақсадлари кўриб чиқилган (2.12-расм).

<sup>119</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Унга кўра, фермер хўжалиги фаолиятида экинларни диверсификациялашдан асосий мақсади уларнинг даромадини ошириш эканлиги аниқланди.



**2.12-расм. Фермер хўжалиги фаолиятида экинларни диверсификациялашдан асосий мақсадлари<sup>120</sup>**

Ушбу берилган савол бўйича қатнашганларнинг 62 фоизи ўз даромадларини ошириш мақсадида фермер хўжалигига экинларни диверсификациялаш амалиётини амалга ошириши аниқланди. Шунингдек, қатнашганларнинг 14,5 фоизи эса экинларни диверсификациялаш орқали тупроқ сифатини яхшилаш мумкинлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирадилар.

Қишлоқ хўжалигига экинларни диверсификациялашни амалга оширишда энг асосий таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда даромадни ошириш, гендер тенглигини мустаҳкамлаш, иқлим ўзгариши хатарларини юмшатиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича истиқболли амалий харитаси ишлаб чиқилди (2.13-расм).

<sup>120</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

### Экинларни диверсификациялашда кузатиладиган эҳтимолий тўсиқлар:

- турли экинларни етишириш бўйича билимнинг етарли эмаслиги;
- саклаш жойларининг етишмаслиги;
- кредит олишдаги қийинчиликлар;
- барқарор бўлмаган сотиш нархлари;
- тракторларнинг етишмаслиги.
- оиласвий меҳнат кучининг етарли эмаслиги;
- экин турларини танлашда чеклов.

### Фермер хўжалиги фаолиятида экинларни диверсификациялашдан асосий мақсадлари:

- мавсум давомида кирим харажатларини тўғри тақисмлаш;
- мавсум давомида меҳнат ресурсларини тўғри тақисмлаш;
- шахсий истеъмол хилма-хиллигини ошириш;
- тупроқ сифатини яхшилаш;
- зарапкунандалар ва касалликлардан келиб чиқадиган даромад хавфларини камайтириш;
- иқлим ходисаларидан келиб чиқадиган даромад хавфларини камайтириш;
- даромадни ошириш.

### Таъсир этувчи омиллар:

- Масофа (бозор ва йўлгача)
- Сув ресурслари мавжудлиги
- Экстенин хизмати
- Қайта ишилаш кор. мавжудлиги
- Тупроқ унумдорлиги
- Активларнинг мавжудлиги

### **ЭКИНЛАР ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИ:**

- Юқори қийматли экинлар
- Алмашлаб экиш
- Структуравий хилма-хиллик
- Аралаш дехқончилик (дехқончилик ва чорвачилик)
- Агротурмончилик (экинлар ва дараҳтларни бирга етишириш)

Даромад  
ортиши

Гендер  
тенглиги

Иқлим  
ўзгариши

Озиқ-овқат  
хавф

**Барқарор қишлоқ хўжалиги**

**2.13-расм. Экинларни диверсификациялашга таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган амалий харита<sup>121</sup>**

<sup>121</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланган.

Мазкур амалий хаританинг асосий моҳияти шундан иборатки, фермер хўжаликлари фаолиятида экинлар диверсификацияси даражасига таъсир этувчи асосий омилларни ҳамда диверсификациялашнинг бошка йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, хусусан, юқори қийматли экинларни экиш, алмашлаб экиш амалиётини кенг жорий этиш, структуравий хилмачилликни ошириш, аралаш дехқончиликни йўлга қўйиш ва бир вақтнинг ўзида экинлар ва дараҳтлар плантацияларини бирга етиштириш чораларини амалга ошириш ҳисобига истиқболда хўжаликнинг даромадини янада ошириш, гендер тенглигини таъминлаш, иқлим ўзгариши хавфларини камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

## **II боб бўйича хуросалар**

– Республикаизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Самарқанд вилоятининг салмоғи етакчи ўринларда бўлиб, мустақилликдан кейинги йилларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида вилоятнинг кўпгина туманларида паст рентабелли пахта майдонлари қисқартирилиб, унинг ўрнига юқори қийматли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, картошка, помидор ва мева-сабзавотлар етиштириш хажми оширилган;

– Республика ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигини диверсификациялашга бўлган эътиборнинг ортиши натижасида, Самарқанд вилоятида 2010 йилда пахта майдони вилоят миқёсида 99172 гектарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 72675 гектар, яъни 2010 йилга нисбатан 26754 гектар ёки бўлмасам 8 фоизга қисқартирилган;

– Республика қишлоқ хўжалигига 2010-2020 йиллар оралиғига пахта экиладиган майдон 1342,5 минг гектардан 1062,3 минг гектарга (20,9 фоиз) ҳамда донли экинлар майдонлари 1679,4 минг гектардан 1646,2 минг гектарга (2,2 фоиз) қисқарган. Ўз навбатида, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига картошка маҳсулотларига ажратилган майдон

31,9 фоизга, сабзавот майдонлари – 32,2 фоизга, полиз экинлари – 27,5 фоизга, мева майдонлари – 43,1 фоизга кенгайтирилган;

– озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар натижасида республикада 2020 йилда бошоқли дон ишлаб чиқариш 7636,0 минг тоннани (2010 йилга нисбатан 1,7 фоиз), сабзавот ишлаб чиқариш 10431,4 минг тоннани (66,6 фоиз), картошка 3143,8 минг тоннани (122,5 фоиз), полиз маҳсулотлари 2134,4 минг тоннани (80,5 фоиз), мевалар 2752,7 минг тоннани (64,2 фоиз), узум етиштириш 1606,9 минг тоннани (64,1 фоиз) ташкил қилган;

– олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2010-2020 йиллар мобайнида вилоятлардаги фермер хўжаликларининг ўртacha диверсификация даражаси кўрсаткичи Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бошқа вилоятларга қараганда юқорироқ бўлган. Шунингдек, диверсификация даражаси кўрсаткичи Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан пастроқ бўлганлиги таҳлиллар натижасида аниқланди;

– Республика бўйича 2010-2020 йилларда вилоятлар кесимида фермер хўжаликларининг ўртacha диверсификация даражаси 0,67 га тенг эканлиги аниқланди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотлар натижасида ушбу кўрсаткич ўртачадан юқорироқча чиққанлиги таҳлиллар натижасида маълум бўлди;

– сўровнома ўтказилган Пайариқ ва Оқдарё туманларидағи фермер хўжаликларининг ер майдонлари нисбатан каттароқ бўлиб, фермер хўжаликлари экин майдонларининг катта қисмини ғалла ва пахта эгаллаган. Шунингдек, Булунғур, Жомбой ва Тойлоқ туманларида эса фермер хўжаликлари томонидан қўпроқ буғдой, картошка, памидор, узум ва мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилиши аниқланган;

– таҳлил натижаларига кўра, диверсификация даражасининг ўртacha кўрсаткичлари Булунғур, Оқдарё, Тойлоқ, Пайариқ ва Жомбой туманлари учун мос равишда 0,70, 0,59, 0,67, 0,53 ва 0,71 га тенг эканлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу туманлар учун ўртacha диверсификация даражаси 0,64 га

тенглиги ушбу ҳудудларнинг диверсификация даражаси ҳали ҳам юқори даражада эмаслигини англатади;

– хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялаш йўли билан фермер хўжаликларини нарх ва ишлаб чиқариш хатарларини юмшатиш, етиштирилган ортиқча маҳсулотларни сотиш орқали даромадларини оширишга ёрдам беради. Фермер хўжаликлари даромадларини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида экинларни диверсификациялашни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, экинларни диверсификация қилиш фермерларга ўз хўжаликлирида турли хил экин турларини тўғри танлаш ва етиштиришни яхшилашга ёрдам беради.

**Ш-БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ  
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ АСОСИДА ФЕРМЕР ХҮЖАЛИКЛАРИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ  
НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

**3.1-§ Қишлоқ хўжалигида экинлар диверсификацияси даражасига  
таъсир этувчи омиллар таҳлили натижалари ва уларнинг ўзгариш  
тенденцияси**

Тадкиқот ишининг ушбу бобида фермер хўжаликлари фаолиятида диверсификация даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили ўрганилди. Ушбу диссертация ишида диверсификация даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили дунё тажрибасига асосланган ҳолда республикамиз қишлоқ хўжалиги тизимида биринчи марта эмпирик ҳисоблаш йўли билан 1.3-параграфда берилган Tobit модели ёрдамида таҳлил қилинди. Ушбу диссертация ишида таҳлиллар фермер хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий, демографик, ишлаб чиқариш ва экинлар диверсификациясининг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги сўровнома маълумотлари асосида амалга оширилди.

Дунёнинг кўпгина ривожланаётган мамлакатларида қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификация қилиш озиқ-овқат хавфсизлиги, даромадларнинг ўсиши, камбағалликни камайтириш, иш ўрни билан таъминлаш, ер, сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши, атроф-мухит ва экологияни бошқариш ёки яхшилашнинг муҳим воситаси сифатида қараб келинмоқда. Лекин, ушбу ўринда юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш учун мамлакатнинг диверсификация қилиш қобилияти ва имкониятларига ҳамда фермер хўжаликларининг ушбу имкониятларга қандай жавоб беролишига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш дехқон ёки фермер хўжаликларининг ҳар йил маълум бир ер майдонида бир нечта турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш

усули бўлиб, у турли даромад ва бозор хавфларини ҳамда биологик бекарорликни камайтириш демакдир.

Иқтисодчи олимлар Ж.Д.Мишлер ва А.Л.Жосепсон (2017)лар Америка Қўшма Штатлари дехқон (уй) хўжаликлари мисолида олиб борган тадқиқотлари натижасида экинларни диверсификация қилиш уй хўжаликлари учун даромадни ошириш, камбағалликни камайтириш ва ҳосилдорликни ошириш учун энг яхши стратегия эканлигини аниқладилар. Бироқ, Бурчфилд ва де ла Потерие (2018) ларнинг таъкидлашича, кўплаб фермер хўжаликлари экин майдонларининг ўзига хос хусусиятлари, тупроқ унумдорлигининг пастлиги, сугориш инфратузилмаси ва сугориш тизимидаги ўзаро жойлашувнинг номутаносиблиги нуқтаи-назарларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятларида экинларни диверсификациялаш жараёнларини амалга ошира олмайдилар. Шунинг учун ҳам, маҳаллий экологик шароитнинг номувофиқлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун диверсификациялаш жараёнларига тўсқинлик қиласиган асосий омиллардан бири ҳисобланади .

Бундан ташқари, иқтисодчи олим М.Ашфақ ва бошқалар Покистон давлати мисолида экинларни диверсификация қилиш турли ижтимоий-иқтисодий ва институтционал омилларга, жумладан, фермер хўжалигида мавжуд ер майдонининг ҳажми, фермер хўжалиги бошлигининг ёши, маълумоти, бошқа фаолиятдан келадиган даромади, асосий кўча ёки бозоргача бўлган масофа ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари сони каби омилларга таъсир кўрсатишини илмий жиҳатдан исботлашган. Шунингдек, Р.Муссема ва бошқалар (2015) дехқон хўжаликларининг экинларни диверсификация қилиш қарорларига ер майдони, ғаллани сотишдан тушган даромад, об-ҳаво ва бозор маълумотларидан хабардорлиги, экстеншн хизмати ҳамда далалар сонининг сезиларли даражада таъсири борлигини аниқлашган. Юқоридаги мулоҳазалардан шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари экинларини диверсификациялаш бевосита

ижтимоий-иктисодий, демографик, табиий, сиёсий ҳамда инсон омили каби қатор омиллар билан узвий боғлиқидир.

Шунингдек, фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот етиштириш ва экинларни диверсификациялаш кўрсаткичларини яхшилашга таъсир этувчи бошқа ижтимоий-иктисодий омилларнинг аҳамияти муҳим саналади. 3.1-жадвалда сўровнома асосида олинган фермер хўжаликларининг диверсификация даражасига таъсир этувчи энг муҳим омилларни эмпирик таҳлилини кўриб чиқамиз. 3.1-жадвалда келтирилган айрим кўрсаткичларга тўхталиб ўтадиган бўлсақ, фермер хўжаликлари бошлиғининг ўртacha ёши 45 ёшни ташкил этмоқда. Шунингдек, фермер хўжалиги бошлиғининг қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш фаолиятида ўртacha 12 йиллик тажрибага эга эканлиги ҳам статистик таҳлиллар асосида аниқланди. Зоро, фермер хўжалиги бошлиғининг ёши ва тажрибаси ортгани сари унинг турли хил қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва тасодифий ризк (хавф)ларни бошқариш бўйича тажрибаси ошиб боради.

Шу билан бирга, сўровнома жараёнида фермер хўжаликларининг ўртacha активларининг қиймати 46,2 млн.сўмни ташкил этди. Ушбу активлар қиймати ўз ичига фермерлик фаолияти давомида ишлатадиган ускуналар ва техникалар, шу билан бирга уй хўжалигига фойдаланиладиган барча буюмлар қиймати ҳисобга олинган. Таҳлиллардан қўринадики, фермер хўжаликларининг 15 фоизда қишлоқ хўжалигидан бошқа фаолиятда ҳам даромадлари мавжудлиги, фермер хўжалиги жойлашган ҳудуддан энг яқин маҳаллий бозоргача бўлган ўртacha масофа 12,2 кмни ташкил этишт аниқланди. Фермер хўжаликларининг 42 фоиз қўшимча суғориш тизими (насос)дан фойдаланиши, 75 фоизда эса ўз шахсий тракторлари мавжуд бўлиб, 34 фоиз фермер хўжаликлигини экстеншн хизматларидан фойдаланиши маълум бўлди. Бундан ташқари, мазкур ҳудудларда 80 фоиздан ортиқроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари қониқарли даражада эканлиги сўровнома маълумотлари асосида аниқланди ва хўжаликларда 2020 йилги мавсумда пахта ҳосилдорлиги ўртacha 27 ц/га,

### 3.1-жадвал

#### Тадқиқот ўтказилган худудлардаги фермер хўжаликлари кўрсаткичларининг статистик таҳлили<sup>122</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар мазмуни	Кузатувлар сони	Статистика			
				Ўртacha	Стандарт оғиш	Мин.	Мак.
<b>Эрксиз ўзгарувчи:</b>							
Диверсификация даражаси	даражас (0≤CID≤1)	Фермер хўжалигига йил давомида экинлар ер майдони бўйича ҳисобланган даражаси	302	0,68	0,32	0,68	0,32
<b>Эркли ўзгарувчи: (фермер хўжаликларига хос омиллар)</b>							
Ёши	йилда	Фермер хўжалиги раҳбарининг ёши	302	45	11	45	11
Фермерлик тажрибаси	йилда	Фермер хўжалиги раҳбарининг фермерлик фаолиятидаги тажрибаси	302	12	6,45	12	6,45
Активлар	млн. сўм	Фермер хўжалигига мавжуд жами активлар	302	46,2	2508,4	46,2	2508,4
Яқин бозоргача бўлган масофа	кило-метр	Фермер хўжалиги жойлашган худуддан маҳаллий бозоргача бўлган масофа	302	12,2	8,87	12,2	8,87
Бошқа фаолиятдан келадиган даромад	иккилиқ	Фермер хўжалиги раҳбарининг бошқа фаолият манбаидан оладиган даромади бўлса = 1, акс ҳолда = 0	302	0,15	0,37	0,15	0,37
Экстеншн хизмати	иккилиқ	Фермер хўжалиги фаолияти давомида экстеншн хизматларидан фойдаланган бўлса = 1, акс ҳолда = 0	302	0,34	0,43	0,34	0,43
Қайта ишлаш корхоналари	иккилиқ	Фермер хўжалиги жойлашган худудда кишлоқ хўжалиги маҳсулотрини қайта ишлаш корхоналари ривожланган ёки иш фаолиятида бўлса = 1, акс ҳолда = 0	302	0,82	0,38	0,82	0,38
Насос мавжудлиги	иккилиқ	Фермер хўжалиги фаолиятида қўшимча сугориш тизимидан фойдаланган бўлса = 1, акс ҳолда = 0	302	0,42	0,20	0,42	0,20
Трактор мавжудлиги	иккилиқ	Фермер хўжалигига трактор мавжуд бўлса = 1, акс ҳолда = 0	302	0,75	0,33	0,75	0,33

<sup>122</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

буғдой ҳосилдорлиги 41 ц/га, картошка ва помидор ҳосилдорлиги 25 ц/га ҳамда дуккакли әқинлар ҳосилдорлиги эса 22 ц/га ташкил этғанлиги маълум бўлди. Юқорида 3.1-жадвалда келтирилган эркли ва эрксиз ўзгарувчилар эмпирик таҳлилларда фойдаланилди.

Tobit модели ижтимоий-иқтисодий ва фермер хўжаликларига хос бўлган омиллардан фойдаланган ҳолда фермерлар ўртасида әқинларни диверсификация қилишга таъсир кўрсатадиган асосий омилларни аниқлаш имконини беради. Ушбу модельнинг тадқиқот ишида фойдаланишнинг яна бир асосий муҳим сабаби шундаки, эрксиз ўзгарувчи сифатида олинган Симпсон диверсикация индекси 0 ва 1 оралиғида чегараланган кўрсаткичларни ўз ичига олганлигидир. 3.2-жадвалда моделдан олинган таҳлил натижалари берилган.

Модел натижасига кўра, моделда акс этган омилларнинг фермер хўжаликларининг диверсикация даражасига кучли боғлиқликка эга эканлиги аниқланди ( $P>|t|=0.0000$ ). Қуйида Tobit регрессион модел функция тенгламаси тузилди:

$$SDI = 0.075 + (-0.026\beta_1 + 0.014\beta_2 + 0.057\beta_3 + 0.027\beta_4 + 0.065\beta_5 + 0.092\beta_6 + 0.055\beta_7 + 0.025\beta_8 + 0.054\beta_9) + e \quad (3.1)$$

Бунда,

*SDI - Симпсон диверсификация даражаси;*

$\beta_1$ - фермер хўжалиги бошлигининг ёши;

$\beta_2$ - фермер хўжалигидаги жами активлар сўммаси;

$\beta_3$ - фермер хўжалигидан бозоргача масофа;

$\beta_4$ - фермер хўжалиги бошлигининг қишлоқ хўжалигига тажрибаси;

$\beta_5$ - фермер хўжалиги бошлигининг бошқа фаолиятдан келадиган даромади;

$\beta_6$ - экстенин хизмати;

$\beta_7$ - насос мавжудлиги;

$\beta_8$ - қайта ишилаш корхоналарининг барқарор иши фаолияти;

$\beta_9$ - трактор мавжудлиги.

### 3.2-жадвал

#### Фермер хўжаликлари диверсификация даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили (“Tobit” модели натижалари)<sup>123</sup>

Омиллар Эрксиз ўзгарувчи: (диверсификация даражаси)	Коэффициент	Стандарт хатолик	t- статистик
Ёши	-0.0106*	0.014	2.49
Активлар (log)	0.056***	0.083	2.99
Яқин бозоргача бўлган масофа	0.078**	0.017	3.21
Фермерлик тажрибаси	0.097**	0.192	1.70
Бошқа фаолиятдан келадиган даромад	0.065***	0.031	2.16
Экстеншин хизмати	0.323**	0.030	3.00
Насос мавжудлиги	0.251**	0.029	1.86
Қайта ишлаш корхоналари	0.520*	0.042	0.53
Трактор мавжудлиги	0.246**	0.249	2.05
Constant	0.075**	0.158	0.93
Pseudo R2		0.693	
LR chi2(9)		80.85	
Prob > chi2		0.0000	
Кузатувлар сони		302	

**Изоҳ:** \* p<0.1, \*\* p<0.05, \*\*\* p<0.01, мос равища 10%, 5% ва 1% статистик муҳимлилик даражалари

Қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликлари экинларни диверсификациялаш жараёнларини ўзларидаги мавжуд имкониятлардан, шунингдек, турли хил ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик омилларга асосланган ҳолда амалга оширади.

3.2-жадвалдан олинган таҳлил натижаларига асосан, фермер хўжаликлари диверсификация даражасига танланган омилларнинг кўпчилиги ижобий таъсирда эканлигини кўришимиз мумкин.

Эмпирик таҳлиллардан шуни кўришимиз мумкинки, фермер хўжалигининг мавжуд активлари, яқин бозоргача бўлган масофа, экстеншин

<sup>123</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланган.

хизматлари, бошқа фаолиятдан келадиган даромад манбай ҳамда мавжуд трактор ва насослар фермер хўжалигида экинларни диверсификациялашга ижобий таъсирга эгалиги ва берилган омилларнинг коэффициентлари статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди.

Хусусан, фермер хўжаликларида мавжуд активлар микдорининг ошиб бориши ҳамда бошқа фаолиятдан келадиган даромад манбалари орқали фермер хўжаликларида экинлар турларини кўпайтириш, уларга агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ва имкон қадар юқорироқ даромад олиш имконини беради<sup>124</sup>.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларида қўшимча сугориш тизимлари ва тракторларнинг мавжудлиги, фермер хўжалиги фаолиятида экстеншн хизматларидан фойдаланиш ҳам уларда ўз фаолияти доирасида диверсификация даражасининг ошишига сезиларли даражада таъсир килишини кўрсатди.

Фермер хўжаликлари жойлашган худудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ривожланганлиги ҳам фермер хўжаликлари ўртасида хилма-хил юқори қийматли экин турларни етиштириш имконини беради. Ушбу етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига сотиш орқали фермер хўжаликлари даромад манбайнинг ошишига ҳам ижобий таъсир қиласи деб айтишимиз мумкин.

Шунингдек, ушбу тадқиқот ишида берилган омилларнинг фермер хўжаликлири диверсификация даражасига маржинал таъсир (marginal effects)лари қийматларини ҳам таҳлилларда кўриб чиқдик. “Tobit” моделида ўзгарувчиларнинг маржинал қийматларда ҳисобланиши таҳлилларда

---

<sup>124</sup> Ahmadzai, H. (2017). “Status, Patterns, and Microeconomic Drivers of the Extent of Diversity in Crop Production: Evidence from Afghanistan”. CREDIT Research Paper 17/07, The University of Nottingham, Centre for Research in Economics Development and International Trade, Nottingham.; Dube, L. (2016). Factors Influencing Smallholder Crop Diversification: A Case Study of Manicaland and Masvingo Provinces in Zimbabwe. International Journal of Regional Development, 3(2), 1.; Cavatassi, R., Lipper, L., & Winters, P. (2012). Sowing the seeds of social relations: social capital and agricultural diversity in Hararghe Ethiopia. Environment and Development Economics, 17(05), 547–578.

ўрганилаётган эркли ва эркисиз ўзгарувчиларни фоиз кўринишида изоҳлаш ҳамда натижаларни аниқ ва соддароқ усулда тушуниш имконини беради.

Tobit моделидаги маржинал таъсиirlар (*marginal effects*) коэффициентлари ижобий шкала омилига кўпайтирилади<sup>125</sup>. Иқтисодий адабиётлар<sup>126</sup>да берилган Tobit моделининг формуласидан келиб чиқиб, ўзгарувчиларнинг маржинал таъсиirlари қийматларини ҳисоблаш формуласини қуидагича келтиришимиз мумкин:

$$\frac{dE(y)}{dx} = \beta_i \Phi\left(\frac{x_0\beta_0}{\sigma} + \frac{x_1\beta_1}{\sigma} + \frac{x_2\beta_2}{\sigma} + \dots + \frac{x_n\beta_n}{\sigma}\right) \quad (3.2)$$

яъни, берилган  $x$  эркли ўзгарувчиларнинг 1 фоизга ўзгариши эркисиз ўзгарувчи у нинг  $\beta$  миқдорда ўзгаришига олиб келади. Бунда, эмпирик таҳлил давомида модел учун танланган эркли ва эркисиз ўзгарувчилар миқдорига уларнинг маржинал таъсиirlарини ҳисоблаш орқали хulosса қилишимиз мумкин.

3.3-жадвалда берилган таҳлил натижаларидан шуни кўришимиз мумкинки, танланган ўзгарувчилар (омиллар)нинг аксарияти фермер хўжаликлари диверсификация даражасига ижобий ва статистик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланди.

Хусусан, худуддаги фермер хўжаликларининг мавжуд активлари, қайта ишлаш корхоналарининг барқарорлиги, экстеншн хизмати ҳамда қўшимча сугориш тармоқлари каби омилларнинг маржинал таъсиirlарида коэффициентлар ижобий ва статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўриш мумкин. Бу эса, ушбу худуддаги фермер хўжаликлари фаолиятида ушбу омилларнинг ўрни юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Умуман олиб қаралганда, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, баъзи ҳолларда бошқа омилларнинг

<sup>125</sup> Greene, W.H. 2003. *Econometric Analysis* (5th ed.). Prentice Hall: New Jersey.; Greene, W.H. 2007. Limdep version 9.0, *Econometric modeling guide* (Vol. 1). Econometric Software Inc.: Plainview, New York.

<sup>126</sup> Ani Katchova (2013). *Econometrics Academy*: “Limited dependent variable”.

мухимлилик даражаси ижобий ва статистик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлишини ҳам кузатишимииз мумкин<sup>127</sup>.

### 3.3-жадвал

#### Фермер хўжаликлари диверсификация даражасига таъсир этувчи омилларнинг маржинал таҳлили<sup>128</sup>

Омиллар Эрксиз ўзгарувчи: (диверсификация даражаси)	Коэффициент $dy/dx$	Стандарт хатолик	z- статистик
Ёши	-0.086*	0.012	2.01
Активлар (log)	0.041***	0.035	1.15
Яқин бозоргача бўлган масофа	0.048*	0.008	2.03
Фермерлик тажрибаси	0.016*	0.011	0.92
Бошқа фаолиятдан келадиган даромад	0.053*	0.020	0.46
Экстеншн хизмати	0.066**	0.009	0.72
Насос мавжудлиги	0.052***	0.029	1.02
Қайта ишлаш корхоналари	0.127***	0.012	0.38
Трактор мавжудлиги	0.084*	0.004	1.14
Кузатувлар сони	302		

**Изоҳ:** \* p<0.1, \*\* p<0.05, \*\*\* p<0.01, мос равища 10%, 5% ва 1% статистик муҳимлилик даражалари

Маржинал таъсир қийматларидан келиб чиқиб модел натижаларини изоҳлайдиган бўлсак, ҳудудда қайта ишлаш корхоналари барқарорлигининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари диверсификация даражасини 12,7 фоизга, фермер хўжаликларида мавжуд активларнинг 1 фоизга ошиши эса диверсификация даражасини 4 фоизга ошириши мумкинлиги илмий асосланди. Шунингдек, фермер хўжаликларида қўшимча сугориш

<sup>127</sup> Dube, L. (2016). Factors Influencing Smallholder Crop Diversification: A Case Study of Manicaland and Masvingo Provinces in Zimbabwe. International Journal of Regional Development, 3(2), 1; Cavatassi, R., Lipper, L., & Winters, P. (2012). Sowing the seeds of social relations: social capital and agricultural diversity in Hararghe Ethiopia. Environment and Development Economics, 17(05), 547–578.

<sup>128</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланган.

тизимининг ҳамда тармоқда экстеншн хизматининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари диверсификация даражасини мос равишда 5,2 ва 7 фоизга ошириши эмпирик таҳлиллар асосида исботланди.

Олинган таҳлил натижаларига асосланиб, тадқиқот обьекти сифатида олинган Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари активларининг ошиб бориши, худудда қишлоқ маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг барқарорлашуви ҳамда фермер хўжаликларида қўшимча суғориш тизими насослар кўпайиши ва экстеншн хизматларининг ривожланиши фермер хўжаликлари ўртасида экинларни диверсификациялашни яхшилаш, бунинг натижасида озиқ-овқат хавфсизилигини таъминлаш, фермер хўжаликлари даромади ва барқарорлигини оширишда асосий омиллар бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги қўргина дунё олим<sup>129</sup>ларининг тадқиқот ишларида исботланганидек, ушбу диссертация ишида ҳам илмий жиҳатдан асосланди.

### **3.2-§ Экинлар диверсификацияси даражасининг фермер хўжаликлари самарадорлигига таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари ва улардан фойдаланишнинг асосий йўллари**

Адабиётларда фермер хўжаликларининг даромади билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишда иқтисодий баҳолаш усулидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Иқтисодий баҳолашни амалга оширишда эконометрик моделлар асосий таҳлил воситаси сифатида кенг ишлатилади<sup>130</sup>.

Эконометрик моделлар ёрдамида фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш, унга таъсир этувчи бошқа омиллар ва ушбу омиллар таъсир доирасини аниқлаш, шунингдек, таҳлилларни амалга ошириш учун эконометрик моделни шакллантириш ва фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имкониятларини истиқболли прогнозлаштириш имконини беради.

<sup>129</sup> Ahmadzai, H. (2017). “Status, Patterns, and Microeconomic Drivers of the Extent of Diversity in Crop Production: Evidence from Afghanistan”. CREDIT Research Paper 17/07, The University of Nottingham, Centre for Research in Economics Development and International Trade, Nottingham.;

<sup>130</sup> Kasem, S., & Thapa, G. B. (2011). Crop diversification in Thailand: Status, determinants, and effects on income and use of inputs. Land Use Policy, 28(3), 618–628. doi:10.1016/j.landusepol.2010.12.001.

Энг аввало, даромад ҳақида айтадиган бўлсак бу – фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ва хизматларининг сотилиши туфайли унинг ихтиёрига келган пул маблағлари тушуми ҳисобланади<sup>131</sup>. Бунда, биз тадқиқот ишимизнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган жами қишлоқ хўжалиги экинларини сотиш орқали олган даромадларини ҳамда унга таъсир қилувчи асосий омиллар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш услубини такомиллаштиришга ҳаракат қилдик.

Эмпирик таҳлилларни амалга оширишда, Самарқанд вилоятидаги жами бешта туманда, хусусан, Булунғур, Жомбой, Пайариқ, Оқдарё ва Тойлок туманларида фаолият олиб бораётган жами 302 та фермер хўжаликлари билан “юзма-юз сўров” усулида 2020 йилги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида ўtkазилган сўровнома маълумотларидан фойдаландик.

3.4-жадвалда берилганидек, эмпирик таҳлил натижаларини акс эттиришда 6 та асосий эркли ўзгарувчиларнинг маълумотларидан фойдаланилди. Чунки, ушбу ўзгарувчилар фермер хўжалиги даромадига таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланади. Шунингдек, диссертация ишининг асосий тадқиқот саволи “қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялашининг фермер хўжаликлари даромадига таъсири” эканлигидан келиб чиқиб, фермер хўжаликларида экинлар диверсификациясини қиймат жиҳатдан ифодалаш мақсадида “диверсификация даражаси<sup>132</sup>” ҳисоблаб чиқилди ва эмпирик таҳлилларда фойдаланилди.

Бевосита, тадқиқот ишининг эмпирик қисмини баҳолашда эконометрик моделлаштириш жараёнларидан фойдаланилди. Эконометрик моделлаштириш жараёни, объект ва жараённи дастлаб кузатиш, унинг хусусиятлари ва белгиларини ажратиш, шунингдек, сўровнома ёки

---

<sup>131</sup> Сайдова Д.Н. Фермер хўжаликларида даромадларнинг шаклланиши ва тақсимланиши. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 160 бет.

<sup>132</sup> Фермер хўжаликлари томонидан экилган экин майдонлари асосида “Симпсон индекси” ҳисобланди.

статистика маълумотларини киритиш, олинган натижаларни ҳақиқий маълумотлар билан солиштириш ҳамда зарур ҳолларда моделга тузатиш ва қўшимчалар киритиш асосида модел тузишни ташкил этади.

### 3.4-жадвал

#### **Эмпирик таҳлилда фойдаланилган маълумотларнинг статистик тавсифи<sup>133</sup>**

<b>Омиллар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Куз. сони</b>	<b>Ўртacha</b>	<b>Стан. оғиш</b>	<b>Мин.</b>	<b>Мак.</b>
<b>Эрксиз ўзгарувчи:</b>						
Фермер хўжалиги даромади	млн.сўм	302	54,9	30,7	17,8	230,6
<b>Эркли ўзгарувчилар:</b>						
Жами экин майдони	гектар	302	41,5	28,2	5,7	155,6
Жами қишлоқ хўжалигига бандлар	киши	302	4,8	3,48	2	35
Жами уруғлик	кг	302	391,9	312,8	22,5	3042,2
Жами кимёвий ўғит	кг	302	452,8	228,4	90,8	850,5
Жами ёқилғи	литр	302	78,6	42,2	30	125,7
Жами техникалар сони	дона	302	11,8	7,4	4	18
Диверсификация даражаси	индекс ( $0 \leq CID \leq 1$ )	302	0,68	0,32	0,35	0,96


Ушбу ишлаб чиқилган модел, албатта, фермер хўжаликлари даромадига таъсир қилувчи диверсификация даражаси ва бошқа омилларнинг таъсир кўлами ва келгусида фермер хўжаликлари даромадини оширишни истиқболлашнинг илмий асоси бўлиб хизмат қилиши зарур.

Диссертация ишида энг кичик квадратлар усули (Ordinary Least Square-OLS) моделини қўллаш орқали тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифалар доирасида ҳамда уларнинг илмий-услубий ечимларини асослашга қаратилди. Бундан ташқари, эрксиз ўзгарувчи сифатида олинган омил фермер хўжалиги даромади узлуксиз ўзгарувчи (continuous variable)

<sup>133</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

бўлганлиги сабабли ҳамда бир узлуксиз ўзгарувчининг бошқа узлуксиз ўзгарувчиларга боғлиқлигини аниқлашда ушбу моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади<sup>134</sup>. Бунда, 3.9-жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланилди. Моделда берилган эркли ва эрксиз ўзгарувчиларнинг (*диверсификация даражасидан ташқари*) қийматлари катта миқдорларда бўлганлиги сабабли, уларни қисқартириш мақсадида логарифмга олинди.

Бироқ, экинлар диверсификациининг фермер хўжаликлари даромадига ҳақиқий таъсири (*true effect*)ни баҳолашда турли хил эконометрик муаммо (*econometric challenges*)ларга дуч келишимиз мумкин. Жумладан, ўзгарувчилар ўртасида эндогенлик муаммоси (*endogeneity*) ҳисобланади<sup>135</sup>. Чунки, фермер хўжаликларининг диверсификация даражаси ва даромади бир-бирига ижобий коэффициентли боғлиқликда бўлади (3.1-расм).



**3.1-расм. Фермер хўжаликлари даромади ва диверсификация даражасининг ўзаро боғлиқлиги<sup>136</sup>**

3.1-расмда тасвирланганидек, молиявий жиҳатдан барқарор ва даромадли фермер хўжаликлари кўпроқ диверсификациялашга мойил бўлади ёки тескарисини айтишимиз мумкин. Ушбуларни инобатга олиб, фермер

<sup>134</sup> Ojo, M. A., Ojo, A. O., Odine, A. I., & Ogaji, A. (2014). Determinants of crop diversification among small – scale food crop farmers in north central, Nigeria. Production Agriculture and Technology Journal, 10(2), 1-11.; Singh, N. P., Ranjit Kumar, Made O. A. Manikmas, Bambang Sayaka, Ketut Kariyasa, Lara Marie M. De Villa, Fezoil Luz C. Decena, and Rogelio N. (2002); Concepcion. n.d. UNESCAP-CAPSA CAPSA Working Papers.; Mango, N., Makate, C., Mapemba, L., Sopo, M. (2018). The role of crop diversification in improving household food security in central Malawi. Agriculture & Food Security, 21 March 2018, 7:7. <https://doi.org/10.1186/s40066-018-0160-x>.

<sup>135</sup> Wooldridge, Jeffrey M. (2010) Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data, 2nd edition, MIT Press.

<sup>136</sup> Иқтисодий адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

хўжаликлари даромадининг диверсификацияга ёки аксинча, диверсификациянинг даромадга таъсир қилиш ёки қилмаслигини илмий жиҳатдан асослашда энг кичик квадратлар усули (OLS) модели етарли бўлмаслиги мумкин. Шу мақсадда, ушбу модел асосида икки босқичли энг кичик квадратик регрессия (2SLS) моделини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман олганда, эндогенлик муаммоси иқтисодиёт ва эконометрикада тез-тез учрайдиган муаммолардан бири бўлиб, эркли ўзгарувчининг моделдаги стандарт хатолик билан боғлиқ бўлиб қолишидир<sup>137</sup>. Буни келиб чиқиш сабабини қўйидагicha тушунишимиз мумкин, яъни берилган  $x$  эркли ўзгарувчиларнинг  $Y$  эрксиз ўзгарувчига қай тарзда боғлиқликда бўлиши билан баҳоланади ва уни қўйидагicha тушунишимиз лозим:


(1) ҳолатда барча ўзгарувчиларни эгзоген деб тасаввур қиласиз:

➔ **Эгзогенлик:**  $x$  эркли ўзгарувчи ва  $u$  стандарт хатолик  $Y$  эрксиз ўзгарувчига мустақил тарзда таъсир қиласи.



(2) ҳолатда  $x$  эркли ва  $Y$  эрксиз ўзгарувчилар ўртасида эндогенлик муаммоси бор:

➔ **Эндогенлик:** бу ҳолатда,  $u$  стандарт хатолик  $x$  эркли ўзгарувчига таъсир қиласи, шунинг учун ҳам  $Y$  эрксиз ўзгарувчига билвосита таъсир қиласи.




(3) ҳолатда эндогенлик муаммосини ечишда  $z$  инструмент ўзгарувчи (*instrumental variable or IV*) ни киритамиз:

---

<sup>137</sup> Borsch-Supan, A., Koke, J. (2000): An applied econometricians' view of empirical corporate governance studies, ZEW Discussion Papers, No. 00-17, Zentrum für Europäische Wirtschaftsforschung (ZEW), Mannheim

→ **Инструмент ўзгарувчи:** бу ҳолатда, инструмент  $z$  эркли ўзгарувчига боғлиқликда бўлади лекин, и стандарт хатоликка боғлиқ бўлмайди.



Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда тадқиқот иши натижаларини илмий жиҳатдан ишончлилигини ошириш мақсадида энг кичик квадратлар усули (OLS) моделини такомиллаштириб, яъни модел натижаларида диверсификация даражасига бевосита таъсир кўрсатадиган, лекин фермер даромадига таъсир кўрсатмайдиган янги иккита эгзоген ўзгарувчи (омил)ларни қўшиш орқали икки босқичли энг кичик квадратик регрессия (2SLS) моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Албатта, эмпирик таҳдилларда бундай омилларни топиш ва қўллаш бир мунча мураккаб жараён бўлсада, бу натижаларни аниқ ва ишончли тарзда таҳлил этиш имконини беради<sup>138</sup>.

Моделда келтирилган асосий ўзгарувчилар, яъни диверсификация даражаси фермер хўжаликлари даромади учун эндоген ёки эгзоген омил эканлигини текшириш мақсадида Дурбин-Ву-Хаусман (Durbin-Wu-Hausman) тест мезонидан фойдаланилди. Мазкур тест натижаларига кўра  $p$  – қиймат коэффициенти 0.0005 га ( $\chi^2\text{-value} = 20.135$ ;  $p\text{-value} = 0.005$ ) тенг бўлганлиги сабабли биз алтернатив гепотезани инкор қилиб (яъни, диверсификация даражаси эгзоген омил эмас), OLS моделидан олинган натижалар бевосита таъсир (effect) эмас, балки кучли ёки кучсиз боғлиқлик (correlation)ни акс эттириши мумкинлигини исботладик.

Энг кичик квадратлар усули (OLS) моделидан икки босқичли энг кичик квадратик регрессия (2SLS) моделини шакллантиришда юқорида айтганимиздек, диверсификация даражаси учун иккита эгзоген омиллар,

---

<sup>138</sup> Donfouet, H. P. P., Barczak, A., Détang-Dessendre, C., & Maigné, E. (2017). Crop Production and Crop Diversity in France: A Spatial Analysis. Ecological Economics, 134, 29–39. doi:10.1016/j.ecolecon.2016.11.01.; Tesfaye, W., & Tirivayi, N. (2020). Crop diversity, household welfare and consumption smoothing under risk: Evidence from rural Uganda. World Development, 125, [104686]. <https://doi.org/10.1016/j.worlddev.2019.104686>.

яъни (1) қишлоқлар миқёсида ҳисобланган ўртача диверсификация даражаси ва (2) энг яқин бозоргача бўлган масофа каби инструмент ўзгарувчиларни қўшиш орқали 2SLS модели шакллантирилди.

Ушбу модел энг кичик квадратлар усули (OLS) моделининг кенгайтмаси ҳисобланади. Бундан, икки босқичли энг кичик квадратик регрессия (2SLS) моделини қуидагича ифодалаймиз:

$$Y_i = \alpha_0 + \alpha_1 x_{i1} + \alpha_2 x_{i2} + \dots + \alpha_7 x_{i7} + e_i \quad (3.3)$$

$$\bar{x}_1 = \beta_0 + \beta_1 z_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \dots + \beta_7 x_{i7} + u_i \quad (3.4)$$

$$Y_i = \alpha_0 + \alpha_1 \bar{x}_{i1} + \alpha_2 x_{i2} + \dots + \alpha_7 x_{i7} + u_i \quad (3.5)$$

Бу ерда,

$Y_i$  – эрксиз ўзгарувчи, фермер хўжалиги даромади (млн.сўм);

$x_1$  – эндоген ўзгарувчи, яъни Симпсон диверсификация даражаси - қишлоқ хўжалигидаги экинларни диверсификация қилиши кўрсаткичи ( $0 \leq CID \leq I$ );

$x_2$  – жами экин майдони, га;

$x_3$  – қишлоқ хўжалигидаги бандлар, киши;

$x_4$  – сарфланган уруғлик миқдори, кг;

$x_5$  – сарфланган кимёвий ўғит миқдори, кг;

$x_6$  – сарфланган ёқилги миқдори, кг;

$x_7$  – техникалар сони, дона;

$e_i$  ва  $u_i$  – стандарт хатоликлар;

$z_1$  – инструмент ўзгарувчилар, яъни (1) қишлоқлар миқёсида ҳисобланган ўртача диверсификация даражаси ва (2) энг яқин бозоргача бўлган масофа.

Ушбу  $z_1$  инструментал ўзгарувчилар сўровнома асосида олинган маълумотлар ҳамда бошқа мамлакатлар иқтисодчи олим<sup>139</sup>лари томонидан

<sup>139</sup> Ahmadzai, H. (2017). “Status, Patterns, and Microeconomic Drivers of the Extent of Diversity in Crop Production: Evidence from Afghanistan”. CREDIT Research Paper 17/07, The University of Nottingham, Centre for Research in Economics Development and International Trade, Nottingham; Asfaw, S., Pallante, G., & Palma, A. (2018). Diversification strategies and adaptation deficit: Evidence from rural communities in Niger. World Development, 101, 219–234.; Tesfaye, W., & Tirivayi, N.

ишлаб чиқилган илмий-методологик услубларни ўрганиш орқали танлаб олинди ва икки босқичли энг кичик квадратик регрессия (2SLS) моделида қўлланилди. (9) формуладан энг кичик квадратлар усули (OLS) модели учун олинган таҳлил натижалари 3.5-жадвалда келтирилган.

### 3.5-жадвал

#### Энг кичик квадратлар усули (OLS) модели бўйича олинган таҳлил натижалари<sup>140</sup>

Эрксиз ўзгарувчи $\Phi/x$ даромади ( $ln$ )	
Диверсификация даражаси	0.085*** (0.302)
Экин майдони	1.291*** (0.039)
Ишчи кучи	0.435*** (0.035)
Уруғлик	0.013* (0.025)
Кимёвий ўғит	0.139*** (0.025)
Ёқилғи	0.046* (0.029)
Техникалар сони	0.196*** (0.026)
Constant (ўзгармаси қиймат)	1.319*** (0.178)
Кузатувлар сони	302
Prob > F	0.0000
R <sup>2</sup>	0.899

**Изоҳ:** \* p<0.1, \*\* p<0.05, \*\*\* p<0.01, мос равища 10%, 5% ва 1% статистик муҳимлилик даражалари. Қавс ичидагилар стандарт хатолик ҳисобланади.

Юқорида берилган жадвалда келтирилган кўрсаткичлар OLS модели натижаларини акс эттириб, R<sup>2</sup> нинг умумий дисперсион таҳлилдаги салмоғи 89,9 фоизни (фермер хўжалиги даромади, Y<sub>i</sub>), бу эса таҳлил этилган омилларнинг вариацион боғлиқлигини ташкил этиб, қолган 10,1 фоиз вариацион боғлиқликни ҳисобга олинмаган бошқа тасодифий омиллар ташкил этади. Демак, моделга танлаб олинган ўзгарувчан омиллар

(2020). Crop diversity, household welfare and consumption smoothing under risk: Evidence from rural Uganda. World Development, 125, [104686]. <https://doi.org/10.1016/j.worlddev.2019.104686>.

<sup>140</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

натижавий белги (эрксиз ўзгарувчи) ўзгаришига бевосита боғлиқ бўлган омиллар ҳисобланади.

Ушбу модел асосида олинган таҳлил натижаларига кўра, моделда берилган ўзгарувчилар коэффициентларининг барчаси ижобий ва статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, киритилган ўзгарувчиларнинг барчаси фермер хўжаликлари даромадлари билан кучли боғлиқликга эга. Шунингдек, таҳлил натижаларидан шуни айтишимиз мумкинки, диверсификация даражаси фермер хўжаликлари даромади билан ижобий боғлиқликда эканлиги аниқланди. Шунингдек, (9) ва (10) формулалардан фойдаланиб икки босқичли энг кичик квадратик регрессия (2SLS) модели учун олинган таҳлил натижалари 3.6-жадвалда келтирилган.

Олинган таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, моделга инструмент ўзгарувчи (омил) сифатида киритилган (1) қишлоқлар миқёсида ҳисобланган ўртача диверсификация даражаси ва (2) энг яқин бозоргача бўлган масофа каби омиллар ҳам фермер хўжаликлари даромадига ижобий таъсирда эканлиги ва коэффициентлари статистик жиҳатдан муҳимлиги асосланди. Бу эса тадқиқот ишимизнинг асосий ўзгарувчилари бўлган фермер хўжалиги даромади ва экинларни диверсификациялаш даражаси ўртасида фақатгина боғлиқлик (*correlation*) ни эмас, балки бевосита таъсир (*effect*) бўйича хulosса қилиш мумкинлигини асослайди. Ушбу хulosамизни шу каби тадқиқотларни турли мамлакатларда олиб борган хориж олим<sup>141</sup>ларининг тадқиқот ишлари билан таққослаш орқали ҳам асослашимиз мумкин.

---

<sup>141</sup> Kasem, S., & Thapa, G. B. (2011). Crop diversification in Thailand: Status, determinants, and effects on income and use of inputs. *Land Use Policy*, 28(3), 618–628. doi:10.1016/j.landusepol.2010.12.001.; Mango, N., Makate, C., Mapemba, L., Sopo, M. (2018). The role of crop diversification in improving household food security in central Malawi. *Agriculture & Food Security*, 21 March 2018, 7:7. <https://doi.org/10.1186/s40066-018-0160-x>; Bravo-Ureta, B., Solis, D., Cochi, H., & Quiroga, R. E. (2006). The impact of soil conservation and output diversification on farm income in Central American hillside farming. *Agricultural Economics*, 35(2), 67–276.

### 3.6-жадвал

#### Икки босқичли энг кичик квадратик регрессия (2SLS) модели бўйича олинган таҳлил натижалари<sup>142</sup>

Эрксиз ўзгарувчи	
	$\Phi/x$ даромади ( $ln$ )
Диверсификация даражаси	0.107** (2.16)
Экин майдони	0.081** (1.46)
Ишчи кучи	0.073** (2.35)
Уруғлик	0.020* (0.05)
Кимёвий ўғит	0.106* (4.92)
Ёқилғи	0.041* (2.82)
Техникалар сони	0.075** (1.17)
<i>Диверсификация даражаси (қишлоқлар миқёсида)</i>	0.055** (2.32)
<i>Энг яқин бозоргача бўлган масофа</i>	0.094* (1.98)
Constant (ўзгармаси қиймат)	0.214*** (3.41)
Кузатувлар сони	302
Prob > F	0.0000
R <sup>2</sup>	0.69

**Изоҳ:** \*  $p<0.1$ , \*\*  $p<0.05$ , \*\*\*  $p<0.01$ , мос равища 10%, 5% ва 1% статистик муҳимлилик даражалари. Қавс ичидагилар стандарт хатолик ҳисобланади.

3.6-жадвалда келтирилган таҳлил натижаларидан фойдаланиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалиги экинларининг диверсификация даражаси фермер хўжаликлари даромадига ижобий таъсирга эга ва коэффициентлари статистик жиҳатдан муҳимлиги асосланди. Хусусан, диверсификация даражасининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари даромадини 10,7 фоизга ошириши мумкинлиги таҳлил натижалари билан асосланди. Бундан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, юқори кўрсаткичдаги экинларни диверсификациясилаш даражаси фермер хўжаликларининг умумий даромадини оширишга ёрдам беради.

<sup>142</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Шу билан бирга, фермер хўжаликлари экин ер майдонининг 1 фоизга ошиши эса 8,1 фоизга ҳамда ишчи кучи ва минерал ўғитлашнинг 1 фоизга ошириш орқали фермер хўжаликлари даромадларини мос равишда 7,3 фоиз ва 10,6 фоизга ошириши мумкинлиги илмий асосланди.

Шунингдек, турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи гурухлар кесимида мева-сабзавот етиштиришнинг ҳам прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Ушбу прогнозлар чизиқли функцияли Тренд модели ёрдамида ишлаб чиқилди.

Прогнозлаштиришни амалга оширишда республикамизда етиштирилган дехқончилик маҳсулотлари қиймати ва мева-сабзавотлар ялпи ҳосилининг 2010-2021 йиллардаги кўрсаткичлари асос қилиб олинди ва қуидаги функциялар орқали ҳисоблаб топилди (3.2-расм). Шунингдек, қиймат кўринишидаги прогноз параметрларини ҳисоблашда инфляция даражасини эътиборга олиш жуда муҳим омил ҳисобланадаи. Шу мақсадда, прогноз параметрларини ишлаб чиқишида Жаҳон банки маълумотларига асосланган ҳолда 2010-2021 йиллар бўйича республикамиздаги ўртacha инфляция даражаси қийматларини ҳам ҳисобга олдик.

1. Қишлоқ хўжалигига дехқончилик умумий дехқончилик маҳсулотлари қийматини прогнозлаштиришнинг чизиқли функцияси:

$$y = 11680x + 22318,4 \quad (3.6)$$

$$R^2 = 0,9609$$


Бу ерда,

у – натижавий белги

х – омил белги

$R^2$  – детерминация коэффициенти.

3.2-расмда тасвирланган республика қишлоқ хўжалигида дехқончилик маҳсулотлари қийматининг 2022-2030 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари 2010-2021 йиллар маълумотларига асосланган ҳолда 3.6 формулалар бўйича хисобланди.



**3.2-расм. Республика қишлоқ хўжалигида дехқончилик маҳсулотлари қийматининг 2030 йилгача прогноз функцияси<sup>143</sup>**

Натижалар шуни кўрсатдиги, республикада аҳоли сонининг ўсиши, дехқончилик маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши ҳамда тармоқда замонавий технологияларнинг кенг миқёсда қўлланилиши каби омиллар хисобидан, 2030 йилга бориб қишлоқ хўжалигида дехқончилик маҳсулотлари қиймати 2021 йилдаги 123858,8 млрд.сўмдан 229164,8 млрд.сўмга етади (3.3-расм).

Юкоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, истиқболда республика қишлоқ хўжалигида дехқончилик маҳсулотлари қийматининг прогноз кўрсаткичлари ортади. Шунингдек, инфляция даражасининг 2026

<sup>143</sup> Статистика маълумотлариага асосланган ҳолда муаллиф томонидан тузилди.

йилгача ортиши ва шундан сўнг сезиларли даражада камайишига қарамасдан, қишлоқ хўжалигида дехқончилик маҳсулотлари қийматининг ўсиш тенденциясида давом этишини кўришимиз мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юқоридаги ўсиш суръатлари маҳсулот турларининг кўпайиши, экинлар ҳосилдорлигининг ошиши ва янги навларнинг кўпайиши ҳисобига эришилади.



**3.3-расм. Республика қишлоқ хўжалигида дехқончилик маҳсулотлари қийматининг 2030 йилгача прогнози<sup>144</sup>**

Шунингдек, республикада барча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг гурухлар кесимида мева ва сабзавот маҳсулотлари етиширишнинг 2022-2027 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.

Бунга асос этиб, 2010-2021 йилларда республикамиз дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиширилган жами мева-сабзавот ялпи ҳосили олинди (3.7-жадвал). Ушбу прогноз кўрсаткичлари ҳам Тренд модели ёрдамида ишдаб чиқилди.

<sup>144</sup> Статистика маълумотларига асосланган холда муаллиф томонидан ҳисобланди.

### **3.7-жадвал**

#### **Республикада мева-сабзавот етиштиришнинг турли ишлаб чиқарувчилар кесимида 2022-2027 йиллар прогнози<sup>145</sup>**

<b>Йиллар</b>	<b>Фермер хўжаликлари</b>	<b>Деҳқон хўжаликлари</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги корхоналари</b>
2010	3,032,2	4,961,5	63,1
2012	3,695,0	6,042,3	82,9
2014	4,080,8	7,257,3	132,9
2016	4,718,6	8,840,2	159,6
2018	3,958,4	8,782,1	203,0
2020	4,405,3	8,571,5	346,7
2021	4442,2	9899,8	279,5
<b>2022</b>	<b>4515,4</b>	<b>10309,3</b>	<b>300,5</b>
<b>2023</b>	<b>4588,6</b>	<b>10718,9</b>	<b>321,5</b>
<b>2024</b>	<b>4661,9</b>	<b>11128,4</b>	<b>342,6</b>
<b>2025</b>	<b>4735,1</b>	<b>11537,9</b>	<b>363,6</b>
<b>2026</b>	<b>4808,3</b>	<b>11947,5</b>	<b>384,6</b>
<b>2027</b>	<b>4881,5</b>	<b>12357,0</b>	<b>405,6</b>

3.7-жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2027 йилга бориб фермер хўжаликлари томонидан 4881,5 минг тонна, деҳқон хўжаликлари томонидан 12357,0 минг тонна ва қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан 405,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

#### **III боб бўйича хуносалар**

- Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Тойлок, Оқдарё ва Пайариқ туманларида бўйича ўтказилган сўровнома натижалари билан фермер хўжаликларида экинлар диверсификациясининг ҳозирги ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш кўриб чиқилди;
- таҳдил натижалари шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликлари экинларини диверсификациялаш бевосита ижтимоий-

<sup>145</sup> Статистика маълумотларига асосланган холда муаллиф томонидан ҳисобланди.

иқтисодий, демографик, табиий ҳамда инсон омили каби қатор омиллар билан узвий боғлиқ эканлиги аниқланди;

– тадқиқот давомида олинган таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятида экинларни диверсификациялаш фермер хўжаликларининг қуидаги ижтимоий-иқтисодий омиллари билан яъни, фермер хўжалигининг мавжуд активлари, энг яқин бозоргача бўлган масофа, экстеншн хизматлари, бошқа фаолиятдан келадиган даромад манбаи ҳамда фермер хўжалигида мавжуд трактор ва насослар каби омиллар билан кучли боғлиқлиги аниқланди. Худудда қайта ишлаш корхоналари барқарорлигининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари диверсификация даражасини 12,7 фоизга, фермер хўжаликларида мавжуд активларнинг 1 фоизга ошиши эса диверсификация даражасини 4 фоизга ошириши мумкинлиги илмий асосланди. Шунингдек, фермер хўжаликларида қўшимча суғориш тизимининг ҳамда тармоқда экстеншн хизматининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари диверсификация даражасини мос равиша 5,2 ва 7 фоизга ошириши эмпирик таҳлиллар асосида исботланди;

– таҳлил натижаларидан шуни айтишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялаш фермер хўжаликлари даромадига таъсир қиласи. Демак, қишлоқ хўжалиги экинлари диверсификация даражасининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари даромадини 10,7 фоизга ошириши мумкинлиги таҳлил натижалари билан асосланган.

– 2030 йилга бориб қишлоқ хўжалигида дехқончилик маҳсулотлари қиймати 2020 йилдаги 123858,8 млрд.сўмдан 229164,8 млрд.сўмга етади. Шунингдек, 2027 йилга бориб фермер хўжаликлари томонидан 4881,5 минг тонна, дехқон хўжаликлари томонидан 12357,0 минг тонна ва қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан 405,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

## **ХУЛОСАЛАР**

Тадқиқот ишида қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификациялашнинг фермер хўжаликлари даромадларига таъсирини иқтисодий баҳолаш услубарини такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилди ва илмий асосланган таклифлар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти мисолларида узоқ йиллик диверсификация индекси кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгариш динамикаси, фермер хўжалиги диверсификация даражасига таъсир этувчи омиллар ҳамда қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификация-лашнинг фермер хўжаликлари даромадига таъсирини иқтисодий баҳолаш услубарини ривожланган хориж мамлакатларида кенг миқёсда қўллани-лаётган янги инновацион эконометрик моделлар асосида такомиллаштириш зарурияти ва амалий аҳамияти ёритиб берилди.

2.Дунё миқёсидаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатлар миқёсидаги глобал иқлим ўзгариши ҳамда аҳолининг тез суръатлар билан ўсиб бориши озиқ-овқатга бўлган талабнинг янада ошишига ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Шу боис, мамлакатларнинг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва экинларни диверсификациялашни ошириш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг даромадини ошириш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Шу ўринда, қишлоқ хўжали-гида экинларни диверсификациялаш ва унинг фермер хўжаликлари дарома-дига таъсирини иқтисодий баҳолаш, таҳлил натижалари бўйича асосли хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-услубий аҳамиятга эга ҳисобланади.

3. Таҳлил натижаларига кўра, қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификация даражасини ҳисоблашда узоқ муддатли панел маълумотлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу нуқтаи назардан, тадқиқот ишида

Симпсон диверсификация индекси (Simpson Diversity Index) усули қўлланилди. Шу асосда олиб борилган ҳисоблашларнинг кўрсатишича, 2010–2020 йиллар мобайнида вилоятлардаги фермер хўжаликларининг ўртача диверсификация даражаси кўрсаткичи Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бошқа вилоятларга қараганда юқорироқ эканлиги аниқланди (мос равища 0,76, 0,74 ва 0,73). Шунингдек, диверсификация даражаси Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан пастроқ кўрсаткини ифодалади (мос равища 0,64, 0,62 ва 0,59). Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республика бўйича 2010–2020 йилларда вилоятлар кесимида фермер хўжаликларининг ўртача диверсификация даражаси 0,67 ни ташкил этган. Хулоса қиласидаги бўлсак, мамлакатимизда олиб борилган сўнгги ислоҳотлар натижасида ушбу кўрсаткич ўртачадан юқорига ўсганлиги асосланди.

4. Тадқиқот иши юзасидан олиб борилган монографик тадқиқотларда иштирок этган аксарият фермер хўжаликлари фақатгина давлат буюртмаси асосида кузги буғдой ва пахта етиштираётгани, картошка, помидор ва бошқа экин турлари чегараланиб қолгани тўғрисидаги фактларга таянган ҳолда фермер хўжаликлари даромадини ошишига олиб келадиган диверсификациялаш амалиётини қўллаш бўйича таклиф ишлаб чиқилди ва асосланди. Ҳисоб-китоблар натижасида “Маъмуржон Исоқов” фермер хўжалигига экинларни диверсификациялаш амалиётидан олдинги ҳолатда учта экин тури мавжуд бўлиб, ушбу экинлардан фермер хўжалиги томонидан умумий фойда миқдори 44114,8 минг сўмни ташкил этган. Ушбу амалиётда ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига қизил ловия ва пиёз етиштиришни амалиётга жорий этиш орқали 3,6 марта кўпроқ фойда олишга ёки 116461,7 минг сўм кўпроқ иқтисодий самарадорликка эришилди. Шу билан бирга “Иқбол” фермер хўжалигига экинларни диверсификациялашдан олдинги ҳолатда учта экин тури бўйича жами 45767,5 минг сўм фойда олинган бўлса, пахта ва ғалла майдонларини қисқартириб, баҳорги сабзи, пиёз ва булғор қалампири этиш-тиришни амалиётга жорий этиш орқали умумий фойда миқдори

358412,3 минг сўмгача етказиш мумкин. Бунда, фермер хўжалигида экинларни диверсифи-кациялаш орқали ўртacha 312644,8 минг сўм кўп иқтисодий самадорликка эришиш мумкинлиги асосланди.

